

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

45-сон
(1169)
2024 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

388. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 8 ноябрдаги ЎРҚ–995-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

389. «Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 ноябрдаги ПҚ–389-сон қарори

Бешинчи бўлим

390. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 8 октябрдаги 181-сон “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низомни

тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3567*)

391. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 24 сентябрдаги 10-сон “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг, шунингдек махсус унвонга эга бўлган ходимларнинг давлат мажбурий суғуртасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3568*)
392. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 26-sentabrdagi 179-son hamda Bosh prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2024-yil 13-sentabrdagi 29-son “Lizing xizmatlari ko‘rsatuvchi tashkilotlarda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizمنى moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 4-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2265-4*)
393. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2024 йил 21 октябрдаги 65-сон “Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар ва манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг намунавий шакллари тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3569*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

388 Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
17 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 30 сентябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади қишлоқ хўжалиги кооперативининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисидаги қонунчилик

Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваколатли ёки сайланган вакил — икки юз нафардан ортиқ аъзога эга бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоларининг бир гуруҳи номидан қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоларининг умумий йиғилишида ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоси;

дивиденд — қишлоқ хўжалиги кооперативининг солиқлар ва йиғимлар тўланганидан кейин ўз тасарруфида қоладиган, қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзолари ўртасида киритилган мажбурий ва қўшимча пай бадалларига мутаносиб равишда тақсимланиши лозим бўлган йиллик соф фойданинг бир қисми;

захира жамғармаси — қишлоқ хўжалиги кооперативи пай фондининг

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда йиллик соф фойда ва бошқа манбалар ҳисобидан шакллантириладиган жамғарма;

инвестициялар киритувчи кооператив аъзоси — ушбу Қонуннинг 14-моддасида белгиланган талабларга асосан маблағларни қишлоқ хўжалиги кооперативининг уставига мувофиқ инвестиция қилувчи кооператив аъзоси сифатида қишлоқ хўжалиги кооперативига қабул қилинган жисмоний ёки юридик шахс. Кооперативнинг бундай аъзоси қишлоқ хўжалиги кооперативи томонидан хизматлар кўрсатилишида бевосита иштирок этмайди, унинг пай бадалларига, дивидендлар олиш ҳуқуқига, субсидиар мажбуриятларига ва овоз бериш ҳуқуқига доир талаблар эса кооператив уставида белгиланади;

ишончли шахс — қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоларининг умумий йиғилишида бошқа аъзонинг ҳуқуқларини амалга оширадиган, кооперативнинг бошқа аъзоси томонидан ёзма шаклда тайинланган ва икки нафардан ортиқ кооператив аъзосининг вакили бўлиши тақиқланган қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоси;

мажбурий пай бадали — қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзосининг мажбурий тартибда киритиладиган ва овоз бериш ҳуқуқини ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативи фаолиятида иштирок этиш, қишлоқ хўжалиги кооперативининг уставида назарда тутилган хизматлар ва имтиёزلардан фойдаланиш ҳамда дивидендлар олиш ҳуқуқини берадиган пай бадали;

пай — қишлоқ хўжалиги кооперативи мол-мулкнинг пул маблағларида ёки бошқа мол-мулкда ёхуд мулкнинг ҳуқуқларда ифодаланадиган қишлоқ хўжалиги кооперативининг мол-мулкни шакллантиришда қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзосининг иштирок этиши миқдорини акс эттирадиган, муайян номинал қийматга эга бўлган ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативининг пай фондини шакллантиришда қиймат ифодасида ҳисобга олинадиган қисми;

пай фонди — қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзолари пайларининг пулда ифодаланган, пай бадаллари асосида шакллантириладиган умумий суммаси;

қишлоқ хўжалиги кооперативи — қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошириш учун пай усулига, жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган мустақил тижорат ташкилоти;

қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоси — пай бадали киритган, қишлоқ хўжалиги кооперативига овоз бериш ҳуқуқи билан қабул қилинган ва қишлоқ хўжалиги кооперативининг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

қўшимча пай бадали — қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзосининг мажбурий пай бадалига қўшимча равишда ихтиёрий асосда киритиладиган ва унга дивидендлар олиш ҳуқуқини берадиган пай бадали;

қўшма қишлоқ хўжалиги кооперативи — камида учта қишлоқ хўжалиги кооперативи томонидан қўшма марказлаштирилган фаолиятни юритиш учун ташкил этилган қишлоқ хўжалиги кооперативи.

4-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативи фаолиятининг асосий принциплари

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (бундан буён матнда кооператив деб юритилади) фаолияти қўйидаги принципларга асосланади:

кооператив аъзолигига кириш ва ундан чиқишнинг ихтиёрийлиги, ушбу Қонун талабларига мувофиқ бўлган ҳар қандай шахслар учун кооператив аъзолигига кириш имконияти;

кооператив фаолиятидаги ўзини ўзи бошқариш ва мустақиллик;

кооператив уставда назарда тутилган тартибда унинг иши устидан кооператив аъзоларининг назорат қилиши;

унинг фаолиятида кооператив аъзоларининг иқтисодий жиҳатдан иштирок этиши;

кооператив аъзолари ўртасида даромадни (фойдани) уларнинг пайларига мувофиқ мутаносиб равишда тақсимлаш;

кооперативлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш;

кооперативни ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш.

5-модда. Кооперативнинг фаолият турлари

Кооператив фаолиятининг асосий тури қишлоқ хўжалиги соҳасида хизматлар кўрсатишдан иборат.

Кооператив қишлоқ хўжалиги соҳасида хизматлар кўрсатиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш, шунингдек қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

2-боб. Кооперативни ташкил этиш**6-модда. Кооперативнинг фирма номи ва жойлашган ери**

Кооператив ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига ва қисқартирилган фирма номига эга бўлиши керак.

Кооперативнинг тўлиқ фирма номида унинг тўлиқ номи ва «Қишлоқ хўжалиги кооперативи» деган сўзлар бўлиши керак. Кооперативнинг қисқартирилган фирма номида унинг қисқартирилган номи ва «Қишлоқ хўжалиги кооперативи» деган сўзлар ёки «ҚХК» аббревиатураси бўлиши керак.

Кооперативнинг жойлашган ери унинг давлат рўйхатидан ўтказилган жойи бўйича белгиланади. Кооперативнинг таъсис ҳужжатларида кооператив бошқарув органларининг доимий жойлашган ери ёки у ўзининг асосий фаолиятини амалга оширадиган жой кооперативнинг жойлашган ери сифатида белгиланиши мумкин.

Кооператив у билан алоқаларни сақлаб туриш учун почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлиши керак.

Кооператив жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги ва электрон почта манзили алмашганлиги тўғрисида кооператив аъзоларини хабардор қилиши керак. Кооперативнинг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгар-

тириш қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда хабардор қилиш тартибида, давлат хизматлари марказини хабардор қилиш орқали амалга оширилади.

7-модда. Кооперативни ташкил этиш тартиби

Кооператив камида етти нафар жисмоний ва (ёки) юридик шахслардан иборат таркибда ташкил этилиши мумкин.

Қўшма кооператив камида учта кооперативдан иборат таркибда ташкил этилиши мумкин.

Ушбу Қонунда назарда тутилган, кооперативга тааллуқли бўлган барча қоидалар қўшма кооперативга нисбатан ҳам қўлланилади, бундан кооператив аъзоларининг энг кам сонига тааллуқли қоидалар мустасно.

Кооператив ташкил этиш истагини билдирган жисмоний ва (ёки) юридик шахслар таъсис қўмитасини тузади.

Таъсис қўмитасининг вазифалари жумласига қуйидагилар киради:

кооператив уставининг лойиҳасини тайёрлаш;

ташкил этиладиган кооператив муассисларининг таъсис йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш.

Кооператив муассисларининг таъсис йиғилиши:

кооперативни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

кооператив уставини тасдиқлайди;

кооператив устави тасдиқланган ҳужжатга ўз исми, фамилияси ва манзилларини кўрсатган ҳолда, юридик шахсларга нисбатан эса ўз вакилларининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатни кўрсатган ҳолда имзо қўйган таъсис йиғилиши иштирокчиларини кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

кооперативнинг бошқарув органларини, шу жумладан кооператив бошқарувини, кооператив бошқаруви раисини ва кооперативнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлайди.

8-модда. Кооперативни давлат рўйхатидан ўтказиш

Кооператив юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Кооперативни давлат рўйхатидан ўтказиш қонунчиликда белгиланган тартибда давлат хизматлари маркази томонидан кооператив бошқаруви берилган аризага асосан амалга оширилади. Мазкур аризага кооперативнинг тасдиқланган устави, кооператив бошқарувини, кооператив бошқаруви раисини ва кооперативнинг кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек кооператив муассислари таъсис йиғилишининг баённомаси илова қилинади.

Кооператив қонунчиликда белгиланган тартибда давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

Кооперативни давлат рўйхатидан ўтказиш фақат, агар кооперативни ташкил этишда ушбу Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда

тутилган тартиб бузилган бўлса ёки таъсис ҳужжатлари қонунга мувофиқ бўлмаган тақдирда, рад этилиши мумкин.

9-модда. Кооператив устави

Кооператив устави кооперативнинг таъсис ҳужжатидир.

Кооператив устави ёзма шаклда баён этилиши ва кооператив муассисларининг таъсис йиғилишида тасдиқланиши керак.

Кооператив уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

кооперативнинг фирма номи ва жойлашган ери (почта манзили);

кооперативнинг фаолият муддати ёки кооператив фаолиятининг муддатсиз хусусиятга эга эканлигига кўрсатма;

кооператив фаолиятининг мақсади, ихтисослашуви ва камида битта йўналиши;

кооперативга аъзо бўлиб кириш тартиби ва шартлари;

кооперативга аъзоликни тугатиш асослари ва тартиби, шу жумладан кооператив аъзолигидан чиқиш ёки кооператив аъзолигидан чиқариш тартиби;

кооперативнинг ҳўжалик фаолиятига унинг аъзолари бўлмаган шахсларни жалб этиш шартлари ва тартиби;

кооператив аъзоларининг кооператив хизматларидан фойдаланиш мажбуриятлари тўғрисидаги ёки бундай мажбуриятлар мавжуд эмаслиги ҳақидаги қоидалар;

кооператив аъзосининг мажбурий пай бадали миқдори, унинг кооперативнинг барча аъзолари учун тенглиги;

кооператив аъзолари томонидан кооператив хизматларидан фойдаланиш даражаси ёки улардан кооператив аъзосига алоқаси бўлган иқтисодий омилларга асосан фойдаланиш;

қўшимча пай бадалини киритиш шартлари ва унинг энг кўп миқдори;

кооператив аъзолари томонидан пай бадалларини киритиш тартиби, шу жумладан пай бадалларининг камида ўн фоизини киритиш муддати;

кооператив аъзолари томонидан пай бадали ҳисобига киритиладиган мол-мулк қийматини баҳолаш тартиби;

захира жамғармасини шакллантириш шартлари, шу жумладан захира жамғармасига йўналтириладиган йиллик соф фойданинг ва бошқа манбаларнинг улушини белгилаш ҳамда захира жамғармасининг миқдорини белгилаш;

кооперативнинг бўлинмас ва бошқа жамғармаларини шакллантириш миқдорлари ва тартиби ҳамда улардан фойдаланиш тартиби;

кооперативнинг фойда ва зарарларини ҳисоблаш ҳамда тақсимлаш тартиби;

кооператив аъзоларининг кооператив мажбуриятларига доир субсидиар жавобгарлиги шартлари, мазкур жавобгарликнинг муайян миқдорлар билан чекланмаганлиги ёки чекланганлиги;

кооператив бошқаруви органларининг таркиби, ваколатлари ва мажбуриятлари, улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, шу жумладан бир овоздан қабул қилишни ёки кўпчилик овозни талаб этадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш тартиби;

кооператив аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
кооператив аъзоларининг кооператив фаолиятида иштирок этишининг ўзига хос хусусиятлари, тартиби ва шартлари;

кооперативнинг қўшма кооперативларга, кооперативлар уюшмаларига ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлиш тартиби ҳамда шартлари;

кооперативни қайта ташкил этиш ва тугатиш, кооперативнинг қарзларини қоплаш ҳамда қолган активларни кооператив аъзолари ўртасида тақсимлаш тартиби ва шартлари;

кооператив бошқарувининг йирик битимларни ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган битимларни тузиш ҳуқуқи, битим сабабли етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ва унинг оқибатларини бартараф этиш тартиби;

мажбурий пай бадалининг номинал қиймати, пайлар сони, аъзолар томонидан мажбурий пай бадали қийматининг камида ўн фоизини киритиш муддати;

кооператив аъзолари ўртасида пайлар бўйича тақсимланадиган дивидендлар миқдорини белгилаш тартиби;

кооператив бошқаруви раисининг ваколатлари;

аудиторга ёки аудиторлик ташкилотига доир талаблар.

Кооператив уставида қуйидагилар ҳам назарда тутилиши мумкин:

кооператив аъзоларининг учдан икки қисми томонидан қарорлар қабул қилиниши керак бўлган масалалар рўйхатини кенгайтириш ва ушбу масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган юқори кворумнинг бошланишини белгилаш;

кооператив аъзоларининг сони икки юз нафардан ортиқ бўлган кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши кооператив аъзолари томонидан сайланган вакиллардан (вакиллар йиғилишидан) иборат бўлиши;

қўшимча пай бадали миқдорининг чекланиши ва қўшимча шартлар белгиланиши;

кооператив бошқаруви раисидан ва кооператив бошқаруви аъзоларида иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, бошқарув соҳасида ёки бошқа соҳаларда юқори малака ҳамда кўп йиллик тажрибанинг мавжуд бўлиши зарурлиги.

Кооператив уставида қонунчиликка зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

10-модда. Кооператив уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

Кооператив уставига ўзгартириш ва қўшимчалар кооператив аъзолари умумий йиғилиши иштирокчиларининг кўпчилик овози билан қабул қилинадиган кооператив аъзолари умумий йиғилиши қарорига кўра киритилади. Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарнома юборилганда унда кооператив уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмуни акс эттирилиши керак.

Кооператив уставига киритиладиган қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида иштирок этаётган кооператив аъзоларининг камида тўртдан уч қисми томонидан маъқулланиши керак:

кооператив фаолиятининг мақсадини ўзгартириш;
кооператив аъзоларининг кооператив хизматларидан фойдаланиш мажбуриятларини белгилаш;
кооператив аъзоларининг кооператив фаолиятида иштирок этишга доир мажбуриятларини белгилаш;
пайнинг ёки мажбурий пай бадалининг миқдорини ошириш;
кооперативнинг инвестиция киритувчи аъзолари тўғрисидаги қоидаларни ўзгартириш;
кооперативни қайта ташкил этиш ёки тугатиш ҳақидаги қоидаларни ўзгартириш.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида кооператив уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар кооператив бошқарувининг ариза-сига асосан тегишли давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

11-модда. Кооперативнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Кооператив қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолиятни қонунчиликка мувофиқ ҳамда кооператив уставида белгиланган кооператив фаолиятининг мақсадлари доирасида амалга ошириш;

ваколатхоналар ва филиалларни очиш, унитар корхоналарни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, мол-мулкни, шу жумладан кооперативнинг пай фондига кооператив аъзоси томонидан пай бадали сифатида киритилган мол-мулкни сотиб олиш ёки ҳадя қилиш, лизингга ёки ижарага олиш, сотиш, гаровга қўйиш;

кооперативнинг захира, бўлинмас ва бошқа жамғармаларини шакллантириш ҳамда уларнинг маблағларидан фойдаланиш, шунингдек захира жамғармасининг маблағларини банкларда ва кредит ташкилотларида жойлаштириш (депозит), уларни қимматли қоғозларга ва бошқа мол-мулкка киритиш;

шартномалар (битимлар) тузиш;

қонунчиликка ва кооператив уставига мувофиқ жисмоний ва юридик шахслардан қарзлар жалб этиш, кредитлар олиш ҳамда ҳомийлик хайрия маблағларидан фойдаланиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш;

бошқа кооперативлар ва қўшма кооперативлар, кластерлар ҳамда бошқа юридик шахслар билан ҳамкорлик учун зарур бўлган хизматлар кўрсатиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, шунингдек кооперативнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган

қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан аризалар билан судга мурожаат қилиш;

кооперативнинг молиявий салоҳиятини ошириш, кооперативнинг активларини самарали бошқариш ва бошқа юридик шахслар билан манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш;

кооперативни қайта ташкил этиш ёки тугатиш билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш.

Кооператив қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Кооператив:

кооператив томонидан тузилган шартномаларга (битимларга) доир мажбуриятларни бажариши;

қонунчиликда назарда тутилган солиқлар ва йиғимларни тўлаши;

меҳнат шартномаси бўйича кооперативда ишлайдиган шахсларга меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тайинлаши, ходимларга иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаши, иш берувчи сифатида ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги қонунчилик ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

рақобат ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

кооперативнинг жойлашган ери (почта манзили) ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилиши;

бухгалтерияга оид, молиявий ва статистик ҳисоботларни қонунчилик талабларига мувофиқ юритиши;

кооператив фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда тегишли давлат органларига тақдим этиши шарт.

Кооперативнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-боб. Кооперативга аъзолик

12-модда. Кооператив аъзолари

Ўн олти ёшга тўлган жисмоний шахслар, шунингдек кооператив устави талабларига жавоб берадиган юридик шахслар кооператив аъзолари бўлиши мумкин.

Қўшма кооператив уставининг талабларига жавоб берадиган ва уларни тан оладиган кооперативлар қўшма кооператив аъзолари бўлиши мумкин.

Агар кооператив уставида бир вақтнинг ўзида бошқа кооперативларга

аъзо бўлиш тақиқланмаган бўлса, кооператив аъзоси бир ёки бир неча кооперативга аъзо бўлиши мумкин.

Кооператив уставида кооператив аъзолигига кириш шартларига қўйилдиган қўйидаги қўшимча талаблар назарда тутилиши мумкин:

кооператив аъзолигига қабул қилинаётган жисмоний шахснинг малака даражаси;

кооператив аъзолигига қабул қилинаётган жисмоний ёки юридик шахснинг кооператив жойлашган ердан узоқлиги.

Кооператив уставида кооператив аъзоларига нисбатан ушбу Қонунга зид бўлмаган бошқа талаблар ҳам назарда тутилиши мумкин.

13-модда. Инвестициялар киритувчи кооператив аъзолари

Кооператив фаолиятига алоқадор бўлмаган жисмоний ёки юридик шахслар кооператив уставининг инвестициялар киритувчи кооператив аъзолари тўғрисидаги қоидаларига биноан инвестициялар киритувчи кооператив аъзолари сифатида кооперативга кириши мумкин.

Инвестициялар киритувчи кооператив аъзосининг пай бадали инвестициялар киритувчи кооператив аъзолари тўғрисидаги кооператив уставининг дивидендлар олишга доир ҳуқуқ ҳақидаги, овоз бериш ҳуқуқи тўғрисидаги, кооперативнинг бошқарув органларига сайланиш ҳуқуқи ҳақидаги қоидаларига ҳамда кооператив уставининг бошқа қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Шахснинг инвестициялар киритувчи кооператив аъзоси сифатида кооперативга кириши ушбу Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ амалга оширилади, кооперативдаги аъзоликни тугатиш эса ушбу Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Бунда кооператив бошқарувининг кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарори ва кооператив бошқарувининг кооперативдаги аъзоликни тугатиш ҳақидаги таклифи кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши керак.

Кооператив аъзолигига қабул қилинаётган инвестициялар киритувчи шахс кооператив уставининг инвестициялар киритувчи кооператив аъзолари тўғрисидаги қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Инвестициялар киритувчи кооператив аъзолари бошқа кооператив аъзоларига нисбатан устунликка эга бўлиши мумкин эмас.

Инвестициялар киритувчи кооператив аъзолари кооперативнинг кузатув кенгашига кооператив кузатув кенгаши аъзоларининг кўпи билан тўртдан бирини ташкил этувчи миқдорда сайланиши мумкин.

14-модда. Кооперативга аъзо бўлиб кириш

Кооперативга аъзо бўлиб кириш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар кооператив давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисида кооператив бошқарувига ариза беради. Кооператив бошқарувининг кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарори кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши лозим. Кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги аризада кооператив устави билан танишиб чиқилганлик тўғрисидаги тасдиқ, шунингдек

кооператив уставининг кооператив аъзоларига доир талабларига риоя этиш бўйича мажбурият, шу жумладан мажбурий ва қўшимча пай бадалларини киритиш ҳақидаги мажбурият ҳамда бошқалар кўрсатилиши керак.

Кооператив уставида кооператив аъзолигига қабул қилишга тааллуқли бўлган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Кооператив бошқарувининг кооператив аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги ёки кооператив аъзолигига қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарори кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилади.

Кооператив бошқарувининг қарорини кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқиш яқунларига кўра кооператив бошқарувининг кооператив аъзолигига қабул қилиш ёки кооператив аъзолигига қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш ёки тасдиқламаслик ҳақида қарор қабул қилинади.

Кооператив аъзолигига қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асослар кооператив уставида назарда тутилади.

Кооператив аъзолигига қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги асослан-тирилган қарор ва рад этиш сабаблари аризачи эътиборига ёзма шаклда етказилади. Аризачи ушбу қарор устидан кооператив аъзоларининг навбатдаги умумий йиғилишида шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Кооператив аъзолигига қабул қилишни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар бартараф этилган тақдирда, аризачи кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисида такроран ариза беришга ҳақли.

Кооператив аъзолигига қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш асослари ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби кооператив уставида белгиланади.

Аризачи кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан кооператив бошқарувининг кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан кооператив аъзолигига қабул қилинган ҳисобланади.

15-модда. Кооператив аъзоларининг реестрини юритиш

Кооператив аъзоларининг реестри кооператив бошқаруви томонидан юритилади ва унда кооперативнинг ҳар бир аъзоси тўғрисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

жисмоний шахслар учун — жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, электрон почта манзили;

юрidik шахслар учун — солиқ тўловчининг идентификация рақами, юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили;

юрidik шахслар бўлган кооператив аъзоларининг ваколатли вакиллари бўлган шахслар учун — фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсда эгаллаган лавозими ва ишончнома;

кооператив аъзолигига кириш асоси, аъзо бўлиб киришнинг мақсади ва санаси;

мажбурий пай бадалининг миқдори ва киритилган санаси;
пай бадалининг тури (пул маблағлари, мол-мулк, шу жумладан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасига бўлган ҳуқуқ, бошқа мулкӣ ҳуқуқлар);

қўшимча пай бадалининг миқдори ва унинг киритилган санаси;
қайтарилган пайнинг миқдори (мавжуд бўлган тақдирда) ва унинг тўланган санаси;

кооперативга аъзоликни тугатиш санаси тўғрисидаги ахборот.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотларга қўшимча равишда кооператив аъзоларининг реестрида бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Кооператив аъзоси кооператив аъзоларининг реестрида кўрсатилган фақат ўзининг маълумотлари билан танишишга ҳақли.

Бошқа шахслар кооператив аъзоларининг реестрида мавжуд бўлган кооператив аъзоси тўғрисидаги маълумотлар билан фақат ушбу кооператив аъзосининг розилиги билан танишиши мумкин.

Кооператив аъзоларининг реестридан фойдаланиш имконига эга бўлган шахслар ундаги маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно.

16-модда. Кооператив аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Кооператив аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида иштирок этиш, саволлар бериш ва таклифлар киритиш;

киритилган пай бадалининг миқдоридан қатъи назар, кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида бир овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиш;

кооператив фаолиятида иштирок этиш, кооператив бошқаруви аъзоларини, кооператив бошқаруви раисини ёки кооператив кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва кооператив аъзолигига сайланиш, кооператив бошқаруви раиси ёки кооператив кузатув кенгашининг аъзоси этиб сайланиш, ижрочи директор лавозимига номзодни илгари суриш;

кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида таклиф киритиш;

кооператив бошқарувининг бир йил давомидаги фаолияти тўғрисидаги хулоса билан, шунингдек йиллик молиявий ҳисоботи ҳамда кооператив кузатув кенгашининг фаолияти ҳақидаги хулоса ва молиявий ҳисобот билан улар кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида муҳокама қилингунига қадар танишиб чиқиш;

кооператив аъзолари умумий йиғилишининг баённомаси билан танишиб чиқиш;

кооператив бошқарувидан ушбу Қонунда ва кооператив уставда назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

кооперативнинг молиявий ҳолати, фаолияти ва унинг бошқаруви тўғрисидаги зарур маълумотларни олиш;

кооператив хизматларидан фойдаланиш;

кооператив йиллик соф фойдасининг кооператив аъзолари ўртасида тақсимланган қисмидан дивидендлар олиш;

агар кооператив уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бошқа кооперативга аъзо бўлиб кириш ёки юридик шахснинг пайчиси бўлиш;

ўз хоҳишига кўра кооператив аъзолигидан чиқиш ва киритилган пайни олиш;

кооператив тугатилганидан кейин кооперативнинг мол-мулкани сотишдан олинган улушни олиш.

Кооператив аъзоси қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Кооператив аъзоси:

кооператив уставига риоя этиши, кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши қарорларини бажариши;

кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида иштирок этиши;

кооперативнинг тадбиркорлик фаолиятида фаол иштирок этиши;

кооператив уставида белгиланган миқдорда ва тартибда пай бадалини киритиши;

кооператив ва кооперативнинг бошқа аъзолари билан тузилган шартномага кўра ўз мажбуриятларини бажариши;

бошқа кооператив аъзолигига кирган тақдирда, бу ҳақда ўзи аъзо бўлган кооператив бошқарувини хабардор қилиши шарт.

Кооператив аъзосининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17-модда. Кооперативга аъзоликни тугатиш

Кооперативга аъзолик қуйидаги ҳолларда жорий молия йили тамомланганидан кейин тугатилади:

кооператив аъзоси кооператив аъзолигидан чиқиш тўғрисидаги аризага асосан кооператив аъзолигидан чиққанда;

кооператив аъзоси бўлган жисмоний шахс вафот этганда;

суднинг жисмоний шахс бўлган кооператив аъзосини бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган ёхуд муомалага лаёқатсиз деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори кучга кирганда;

кооператив аъзоси бўлган юридик шахс тугатилганда;

кооператив аъзоси давлат фуқаролик хизматига кирганда;

кооператив аъзоси ўз пайини мазкур кооперативнинг бошқа аъзосига тўлиқ ҳажмда ўтказганда — кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан;

кооператив аъзолигидан чиқарилганда.

Кооперативнинг ҳар бир аъзоси ушбу Қонунда ва кооператив уставида белгиланган тартибда кооператив аъзолигидан ихтиёрий равишда чиқиш ҳуқуқига эга.

Кооператив аъзоси кооператив бошқарувига ёзма ариза берган ҳолда кооператив аъзолигидан чиқиши мумкин. Кооператив аъзолигидан чиқиш тўғрисидаги ариза, агар кооператив уставида бошқа муддат назарда тутил-

маган бўлса, кооперативнинг жорий молия йили тугагунига қадар уч ойдан кечиктирмай берилиши керак.

Кооператив аъзолигидан чиқиш истагини билдирган ёки кооператив аъзолигидан чиқарилган кооператив аъзоси, агар кооператив уставда пайнинг ўтказилиши тақиқланмаган бўлса, ўзининг пайини тўлиқ ҳажмда ушбу кооперативнинг бошқа аъзосига исталган вақтда ўтказиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда тарафлар ўртасида ёзма келишув имзоланиб, бу ҳақда кооператив бошқаруви ёзма шаклда хабардор қилинади.

Агар кооператив уставда кооператив аъзоси пайининг энг кўп миқдори белгиланган бўлса, кооператив аъзоси пайининг умумий миқдори ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартибда кооперативнинг бошқа аъзоси томонидан ўтказилган пай билан бирга кооператив аъзоси пайининг белгиланган энг кўп миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

Кооператив аъзоси бўлган жисмоний шахс вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, пайга доир ҳуқуқ унинг меросхўрларига ўтади.

Агар меросхўрлар сони икки нафар ёки ундан ортиқ меросхўрларни ташкил этса, барча меросхўрлар ўзини кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги масала ҳал этилгунига қадар кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида фақат битта овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар кооператив уставда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, меросхўрни кооператив аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги масала ушбу Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ кўриб чиқилади.

Агар вафот этган аъзонинг меросхўри кооператив аъзолигига қабул қилинмаса, унга вафот этган кооператив аъзоси пайининг қиймати тўланиши керак.

18-модда. Кооператив аъзолигидан чиқариш

Кооператив аъзоси қуйидаги ҳолларда кооператив аъзолигидан жорий молия йили тугаши билан чиқарилиши мумкин:

кооператив уставда назарда тутилган мажбуриятларни кооператив бошқарувининг ёзма огоҳлантиришларига қарамай, узрли сабабларсиз мунтазам равишда (икки ва ундан кўп маротаба) бажармаганда;

кооператив уставда назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли кооперативга зарар етказилганда;

бошқа кооперативга аъзо бўлиб кирганда, агар бу кооператив уставда тақиқланган бўлса;

у томонидан бошқа кооператив тузилганда, агар бу кооператив уставда тақиқланган бўлса.

Кооператив уставда кооператив аъзолигидан чиқаришнинг қонунчиликка зид бўлмаган бошқа асослари назарда тутилиши мумкин.

Кооператив аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги масала кооператив бошқаруви томонидан кўриб чиқилади. Кооператив бошқарувининг кооператив аъзосини кооператив аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги таклифи тегишли қарор қабул қиладиган кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилади.

Кооператив бошқаруви кооператив аъзолигидан чиқарилаётган кооператив аъзосини кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган сандан камидан икки ҳафта олдин хабардор қилиши ва хабарномада уни кооператив аъзолигидан чиқариш асосларини кўрсатиши керак.

Кооператив аъзосини кооператив аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги масала кооператив бошқарувининг таклифига кўра кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида кооператив аъзолигидан чиқарилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади ва ҳал қилинади. Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида кооператив аъзолигидан чиқарилаётган кооператив аъзосига унинг кооператив аъзолигидан чиқарилиши юзасидан ўз фикрини билдириш ҳуқуқи берилади.

Кооперативдан чиқарилаётган, тегишли тарзда хабардор қилинган шахс уни кооперативдан чиқариш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши керак бўлган кооператив аъзоларининг умумий йиғилишига кетма-кет икки мартадан зиёд келмаган тақдирда, мазкур масала кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида кооперативдан чиқарилаётган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Кооператив аъзолигидан чиқарилган шахс кооператив аъзолигидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқини йўқотади, шунингдек кооператив бошқаруви ёки кооператив кузатув кенгаши аъзосининг ёхуд кооператив бошқаруви раисининг мажбуриятларидан озод этилади (агар кооператив аъзолигидан чиқарилган шахс бу мажбуриятларни бажарган бўлса).

Кооператив аъзолигидан чиқарилган шахс қонунчиликда белгиланган тартибда судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Кооперативга аъзоликни тугатиш кооператив бошқарувининг кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан кооператив аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги таклифи тасдиқланган пайтдан эътиборан ҳақиқий ҳисобланади.

Кооператив аъзолигидан чиқарилган кооператив аъзоси пайни олиб кетиши мумкин ёки унга пайнинг қиймати ушбу Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ тўланиши мумкин.

19-модда. Кооперативга аъзолиги тугатилган шахсга пайни қайтариш

Кооперативга аъзолиги тугатилган шахсга пайнинг қиймати, шунингдек кооператив уставида назарда тутилган тўловлар молиявий ҳисобот йилининг якунларига кўра кооперативнинг йиллик баланси кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганидан кейин олти ой ичида тўланиши керак.

Кооперативга аъзолиги тугатилган шахсга бошқа тўловлар (агар кооператив уставида бундай тўловлар назарда тутилган бўлса) амалга оширилиши мумкин. Кооперативга аъзолиги тугатилган шахс кооперативнинг захира жамғармасидан ёки бошқа активлари ҳисобидан тўлаш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Кооперативга аъзолиги тугатилган шахс ўз пайини тўлиқ ҳажмда кооперативнинг бошқа аъзосига ўтказган тақдирда, кооперативга аъзолиги тугатилган шахсга кооператив ҳеч қандай тўловларни амалга оширмайди.

Кооперативга аъзолиги тугатилган шахснинг кооперативдаги қарзларини кооператив унинг якуний тўловларидан ушлаб қолади.

Кооперативга аъзолиги тугатилган шахсга пайнинг қиймати унинг ихтиёрига кўра натура шаклида тўланиши ёки у пай бадали сифатида киритган мол-мулк қайтариб берилиши мумкин.

Кооператив аъзоси вафот этган тақдирда, унинг пайи қиймати ва кооператив уставидан назарда тутилган бошқа тўловлар меросхўрга тўлиқ ҳажмда тўланади.

Агар кооператив кооперативга аъзоликни тугатиш тўғрисидаги қарор кучга киргунига қадар ушбу Қонуннинг 51-моддасида назарда тутилган тартибда тугатилган ёки кооперативга аъзолик тугатилганидан кейин олти ой ичида тугатилган бўлса, кооперативга аъзоликни тугатиш амалга оширилмаган деб ҳисобланади.

4-боб. Кооперативни бошқариш

20-модда. Кооперативнинг бошқарув органлари

Кооперативнинг бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши — кооперативнинг юқори бошқарув органи;

кооперативнинг бошқаруви — кооперативнинг ижро этувчи органи;

кооперативнинг кузатув кенгаши — кооперативнинг назорат қилувчи органи.

Икки юз нафардан ортиқ кооператив аъзоларидан иборат бўлган кооперативда кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши, агар бу кооператив уставидан назарда тутилган бўлса, вакиллар йиғилиши шаклида ўтказилиши мумкин.

Агар кооператив аъзоларининг сони йигирма бир нафардан кўп бўлмаса, кооператив уставидан кооперативнинг кузатув кенгаши сайланмаслиги ва унинг ваколатларини кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши амалга ошириши назарда тутилиши мумкин. Мазкур қоида қўшма кооперативга нисбатан, агар унинг аъзолари сони ўн нафардан ошмаса, қўлланилади.

Агар кооператив аъзоларининг сони йигирма бир нафардан иборат бўлса, кооперативнинг кузатув кенгаши мажбурий тартибда ташкил этилади. Мазкур қоида қўшма кооперативга нисбатан, агар унинг аъзолари сони ўн нафардан ошса, қўлланилади.

Қўшма кооператив аъзоларининг сони қўшма кооперативнинг уч нафар аъзосидан ошмаган ҳолларда, қўшма кооператив бошқаруви ташкил этилмаслиги ва унинг ваколатларини қўшма кооператив раиси амалга ошириши мумкин, агар бу қўшма кооператив уставидан назарда тутилган бўлса.

Кооператив бошқаруви органларининг ваколатлари, тузилиши ва уларнинг ишини ташкил этиш тартиби, шу жумладан кооператив бошқаруви аъзоларини, кооператив бошқаруви раисини ҳамда кооперативнинг кузатув

кенгаши аъзоларини сайлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тартиби, шунингдек кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини ёки вакиллар йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби ушбу Қонунда ҳамда кооператив уставида белгиланади.

21-модда. Кооператив аъзолари умумий йиғилишининг ваколатлари

Қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш кооператив аъзолари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киради:

кооператив фаолиятининг асосий мақсадларини белгилаш;

кооператив уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, кооператив уставини янги таҳрирда тасдиқлаш;

кооператив бошқаруви аъзоларини, кооператив бошқаруви раисини ва кооператив кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ҳамда лавозимидан озод этиш, шунингдек уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш;

кооператив бошқарувининг, кооператив бошқаруви раисининг ҳамда кооператив кузатув кенгашининг қарорларини кооператив уставида назарда тутилган тартибда бекор қилиш;

аудиторлик ташкилотини белгилаш, аудиторлик хулосасини муҳокама қилиш;

кооператив бошқарувининг ва кооператив кузатув кенгашининг ҳисоботларини тасдиқлаш, шунингдек тегишли молия йили учун йиллик балансни қабул қилиш, бунда кооператив бошқаруви кооператив аъзоларини таништириш учун ҳисоботларни ва йиллик балансни кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилишидан камида бир ҳафта олдин тақдим этади;

кооперативнинг йиллик камомадини қоплаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

кооперативнинг ривожланиш дастурларини, оператив, молиявий ва бошқа режаларини, даромадлар ва харажатларнинг прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш;

ушбу Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ йиллик соф фойдадан фойдаланиш, шу жумладан уни кооператив аъзолари ўртасида тақсимлаш ва кооперативнинг захира, бўлинмас ва бошқа жамғармаларига ажратмалар қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

кооператив аъзоларининг пай бадаллари ва бошқа тўловларининг турлари, миқдорларини ҳамда уларни киритиш тартибини белгилаш, шунингдек кооперативдаги аъзолиги тугатилаётган шахсларга ушбу тўловларни тўлаш тартибини белгилаш;

кооперативнинг жамғармалари турларини, кооперативнинг захира, бўлинмас ҳамда бошқа жамғармалари миқдорларини, шунингдек уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;

кооперативнинг ҳар йилги зарарларини компенсация қилиш;

кооперативнинг асосий воситаларини сотиб олиш ва бошқа шахсларга бериш, шунингдек битимлар ҳамда келишувларни бажариш;

бошқа кооперативларга, жамиятларга, уюшмаларга, бошқа ташкилотларга кооперативнинг аъзо бўлиши ҳамда улардан чиқиши;

кооперативнинг ваколатхоналарини ва филиалларини ташкил этиш ҳамда тугатиш;

кооператив аъзолигига қабул қилиш, кооперативдаги аъзоликни тугатиш;

кооперативга инвестиция киритувчи аъзолар тўғрисидаги, шунингдек уларни кооператив аъзолигига қабул қилиш ва уларнинг кооперативга аъзолигини тугатиш тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш;

кооператив бошқаруви аъзоларининг ва кооператив бошқаруви раисининг ойлик иш ҳақи миқдорларини белгилаш, кооператив кузатув кенгаши аъзолари харажатларини компенсация қилиш шартларини белгилаш;

кооператив бошқаруви аъзоларининг, кооператив бошқаруви раисининг, кооператив кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги чоралари тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

кооператив бошқаруви аъзоларидан, кооператив бошқаруви раисидан, кооператив кузатув кенгаши аъзоларидан уларнинг қонунга хилоф фаолияти натижасида етказилган зарар учун компенсация ундириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

кооператив аъзоларининг кооператив фаолиятида иштирок этишини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

кооперативда меҳнатга ҳақ тўлашга доир ички тартиб-қоидаларни, бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлаш ҳамда уларга ўзгартиришлар киритиш;

кооперативни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

Кооператив уставида кооператив аъзолари умумий йиғилишининг ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган ўзга ваколатлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Кооператив аъзолари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи кооператив бошқаруви раисига, кооператив бошқарувига ёки кооператив кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас.

22-модда. Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш

Кооператив аъзоларининг биринчи умумий йиғилиши имкон қадар қисқа муддатда, лекин кооператив давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин уч ойдан кечиктирмай чақирилади.

Кооператив аъзоларининг йиллик умумий йиғилиши кооперативнинг молия йили тугаганидан кейин уч ойдан кечиктирмай ўтказилиши керак. Кооператив аъзоларининг йиллик умумий йиғилишидан ташқари, кооператив уставида назарда тутилган ҳолларда кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари ўтказилиши мумкин.

Кооператив аъзоларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишлари кооператив бошқаруви томонидан чақирилади. Кооператив бошқаруви аъзолари лавозимларидан озод қилинган тақдирда, кооператив аъзоларининг

йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш ушбу Қонуннинг 23-моддасида белгиланган тартибда кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Кооператив аъзолари умумий сонининг камида ўндан бир қисми талабига кўра чақириладиган кооператив аъзолари умумий йиғилишининг кун тартибига аниқ масалаларни киритиш ҳақидаги, шунингдек кооперативнинг ҳар қандай аъзоси ташаббуси билан қўшимча масалаларни киритиш тўғрисидаги таклифлар кооператив бошқарувига кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн беш кун олдин тақдим этилиши керак.

Кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари кооператив бошқарувининг ташаббуси билан ёки кооператив кузатув кенгашининг талабига кўра ёхуд кооператив аъзолари умумий сонининг камида ўндан бир қисмининг талабига кўра чақирилиши мумкин.

Агар навбатдан ташқари умумий йиғилиш кооператив аъзолари умумий сонининг камида ўндан бир қисмининг талабига кўра вакиллар йиғилиши шаклида ўтказилса, кооперативнинг ушбу аъзолари ёки уларнинг вакиллари йиғилишда сўзга чиқиш ва таклифлар киритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган кооперативнинг кузатув кенгаши ёки кооператив аъзолари навбатдан ташқари умумий йиғилишнинг таклиф қилинган кун тартибини ва уни ўтказиш зарурлиги асосларини кооператив бошқарувига ёзма шаклда тақдим этиши керак. Бу ҳолда кун тартиби тегишинча фақат кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган кооператив кузатув кенгашининг ёки кооператив аъзоларининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ташаббускори бўлмаган кооперативнинг бошқарув органи ёки кооператив аъзолари навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибига кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ташаббускори бўлган кооператив бошқаруви органининг ёки кооператив аъзоларининг розилигисиз ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга эмас.

Кооператив бошқарувининг раиси ва кооператив бошқарувининг аъзолари лавозимидан озод этилган тақдирда, кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабнома қабул қилинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кооперативнинг кузатув кенгаши ушбу йиғилишни ўтказиш ёки уни ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

Агар кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига таклиф этилаётган масалаларни кўриб чиқиш кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши ваколатларига тааллуқли бўлмаса ёхуд қонунчилик ҳужжатлари талабларига ёки ушбу моддада кўрсатилган талабларга жавоб бермаса, кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Агар кооператив бошқаруви кооператив аъзоларининг навбатдан ташқа-

ри умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида ушбу йиғилишни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилмаса ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилса ёхуд ушбу йиғилишни ўтказиш ҳақидаги қарорни кўрсатилган муддатда бажармаса ёхуд кооператив бошқаруви аъзолари лавозимидан озод этилса, кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган кузатув кенгаши ёки кооператив аъзолари томонидан навбатдан ташқари умумий йиғилиш чақирилиши мумкин.

Кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган кооператив аъзолари томонидан кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши чақирилган тақдирда кооператив бошқаруви кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ташаббускорларига кооператив аъзоларининг рўйхатини ва уларнинг манзилларини (почта манзилларини) тақдим этиши керак.

Агар йиллик ёки оралиқ молия ҳисоботларини тузиш чоғида ёки кооператив фаолиятини ўрганиш даврида кооператив зарарининг миқдори пай фонди ёки захира жамғармаси умумий қийматининг эллик фоизидан ортиқни ташкил этиши маълум бўлиб қолса, кооператив бошқаруви дарҳол кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради ва бу ҳақда кооператив аъзоларини хабардор қилади.

23-модда. Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш тартиби

Кооператив аъзолари турган ери (почта манзили) ҳақида, шунингдек ўз почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида кооператив бошқарувига ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш, йиғилишнинг кун тартиби, у ўтказиладиган жой, сана ва вақт тўғрисида кооператив аъзолари кооператив аъзоларининг умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан камида ўттиз кун олдин кооператив бошқаруви томонидан ёзма шаклда хабардор қилиниши керак.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома кооператив аъзосига тилхат олиб топширилади ёки хабарнома олинганлигини тасдиқлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилади.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши кун тартибига киритилиши лозим бўлган қўшимча масалалар молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай кооператив бошқарувига киритилиши керак.

Кооператив бошқаруви кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши кун тартибига киритилиши лозим бўлган қўшимча масалаларнинг таърифини ўзгартиришга ҳақли эмас.

24-модда. Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби

Агар кооператив уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса,

кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши қуйидаги ҳолларда ваколатли ҳисобланади:

агар кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган кооператив аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса;

агар кооператив аъзоларининг вакиллар йиғилиши шаклида ўтказиладиган умумий йиғилишида кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида сайланган вакиллар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса.

Кооператив аъзоларининг вакиллар йиғилиши шаклида ўтказиладиган умумий йиғилишида ҳар бир вакил, ўзини вакил қилган кооператив аъзоларининг сонидан қатъи назар, битта овозга эга бўлади.

Қўшма кооператив уставида унинг аъзолари бир нечта овоз ҳуқуқига эга бўлиши мумкинлиги назарда тутилиши, уларнинг сони киритилган пай бадали миқдоридан ёки бошқа мезонлардан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мумкин. Бунда қўшма кооператив аъзоси ҳуқуққа эга бўлган овозларнинг энг кўп миқдори қўшма кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида тақдим этилган овозларнинг ўн фоизига тенг бўлиши керак.

Кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарорлари, агар ушбу Қонунда ёки кооператив уставида бошқа талаблар назарда тутилмаган бўлса, кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ушбу Қонун 21-моддаси биринчи қисмининг иккинчи — саккизинчи хат-бошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, агар кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида иштирок этаётган кооператив аъзоларининг камида учдан икки қисми уларни ёқлаб овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Кооператив уставида қарорлар овозларнинг кўпчилиги билан қабул қилиниши керак бўлган масалаларнинг кенгайтирилган рўйхати назарда тутилиши ва ушбу масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун оширилган кворум белгиланиши мумкин.

Агар кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган овозлар сони тўпланмаган бўлса, қарор қабул қилиш учун кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини қайтадан чақириш талаб қилинади. Бу ҳолда, агар умумий йиғилишда иштирок этган кооператив аъзоларининг камида эллик бир фоизи қарорларни ёқлаб овоз берса, ушбу масалалар бўйича қарорлар қабул қилинган деб ҳисобланади.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш учун ушбу Қонунда назарда тутилган тартиб ва муддатлар бузилган тақдирда, кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишга ҳақли эмас.

Кооператив аъзоси кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида уни кооперативдаги лавозимидан озод қилиш ҳақида ёки кооператив олдидаги мажбуриятларидан озод қилиш ҳамда унга нисбатан даъво тақдим этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш чоғида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида юридик шахс бўлган кооператив аъзоси номидан ушбу юридик шахснинг ваколатли вакили ишончномасиз ёки унинг бошқа ходими ишончнома асосида иштирок этиши мумкин.

Кооператив аъзоси кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида кооперативнинг ишончли вакил сифатида иш юритувчи бошқа аъзоси орқали ўз ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин. Ишончли вакил ёзма шаклда таъинланади. Бир нафар ишончли вакил кооперативнинг икки нафардан ортиқ аъзоси учун вакил бўлиши мумкин эмас. Кооператив уставида ишончли вакилнинг вакиллик гига доир бошқа шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Вакиллар йиғилишида иштирок этувчи ваколатли вакил ўз ҳуқуқларини ишончли вакилга топшириш ҳуқуқига эга эмас.

Кооператив аъзолари умумий йиғилишининг раиси ва котиби кооператив аъзолари умумий йиғилишининг аъзолари орасидан сайланади. Кооператив бошқаруви раиси ёки кооператив бошқарувининг ёки кооператив кузатув кенгашининг аъзолари кооператив аъзолари умумий йиғилишининг раиси ва котиби этиб сайланиши мумкин эмас.

25-модда. Кооператив аъзолари умумий йиғилишининг баённомаси

Кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарорлари баённома билан расмийлаштирилади.

Кооператив аъзолари умумий йиғилишининг баённомасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилган жой, сана ва вақт;

кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор қилинган кооператив аъзоларининг, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аъзоларнинг ва йиғилишда иштирок этган аъзоларнинг сони;

умумий йиғилиш вакиллар йиғилиши шаклида ўтказилганда — сайланган вакиллар сони ва ушбу йиғилишда иштирок этган ваколатли вакиллар сони;

кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида кворум мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;

кооператив аъзолари умумий йиғилишининг кун тартиби;

кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида сўзга чиққан шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими ҳамда нутқининг асосий мазмуни;

кооператив аъзолари умумий йиғилишининг кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарорлар.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши баённомасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

кооператив бошқарувининг ёки кооператив кузатув кенгашининг ёки кооператив аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори;

кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида иштирок этган кооператив аъзоларининг рўйхати;

кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши вакиллар йиғилиши шаклида ўтказилган тақдирда, сайланган ва иштирок этган вакиллар рўйхати;

кооператив аъзоларининг умумий йиғилишига тақдим этилган ваколатли вакиллик ҳуқуқига доир ишончномалар;

умумий йиғилишда тақдим этилган кооператив аъзоларининг ваколатли вакиллари сайланганлиги тўғрисидаги баённомалар;

кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши кун тартибига доир тақдим этилган ҳужжатлар;

овоз бериш чоғида тарқатилган ва овоз бериш учун ҳақиқий деб эътироф этилган бюллетенлар;

кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши баённомасига қўшиб қўйилиши тўғрисида талаб билдирилган баёнотлар, таклифлар ва алоҳида фикр-мулоҳазалар.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилиш баённомасига кооператив уставида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

Баённома камида икки нусхада тузилади, йиғилишнинг котиби, кузатув кенгашининг аъзолари томонидан уч кунлик муддатда имзоланади ва йиғилиш раиси томонидан тасдиқланади.

Агар кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши баённомасини имзолаши лозим бўлган шахслардан бири уни имзолашни рад этса, баённомада бу шахснинг рад этиши сабаблари кўрсатилиши керак.

Кооператив бошқарувида ва кооперативнинг кузатув кенгашида кооператив аъзолари умумий йиғилиши баённомасининг биттадан нусхаси сақланиши керак.

Кооператив бошқаруви кооператив аъзосининг талабига кўра уни кооператив аъзолари умумий йиғилишининг баённомаси билан таништириши ёки унга йиғилиш баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини ёхуд баённомадан кўчирма бериши шарт, бундан кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тижорат сири жумласига киритилган маълумотлар мустасно.

Агар кооператив аъзолари кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши баённомасининг ишончсизлиги ёки тўлиқ эмаслиги тўғрисида арз қилган бўлса, ушбу арзлар кооператив аъзоларининг навбатдаги умумий йиғилишида кўриб чиқилиши керак.

26-модда. Кооператив аъзоларининг ваколатли вакиллари йиғилиши

Кооператив аъзоларининг сони икки юз нафардан ортиқ бўлган кооперативнинг уставида кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши сайланадиган вакиллардан иборат бўлиши мумкинлиги (бундан буён матнда вакиллар йиғилиши деб юритилади) назарда тутилиши мумкин.

Кооператив аъзоси ёки кооперативнинг аъзоси бўлган юридик шахснинг вакили ҳисобланган жисмоний шахс ваколатли вакил бўлиши мумкин.

Кооператив бошқаруви раиси ва кооператив бошқаруви аъзолари, кооператив кузатув кенгаши аъзолари ваколатли вакил сифатида сайланишга ҳақли эмас.

Вакиллар йиғилишида кооператив бошқаруви раиси ва кооператив бошқаруви аъзолари, кузатув кенгаши аъзолари овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиши мумкин, бироқ улар сўзга чиқиш ва таклифлар киритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу Қонунда ва кооператив уставида кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши тўғрисида белгиланган қоидалар вакиллар йиғилишига нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Ваколатли вакиллар кооператив аъзоларининг иш жойи ёки яшаш жойи ёхуд бошқа жойларда бўлиб ўтадиган йиғилишларида тўғридан-тўғри, тенг ҳуқуқли ва яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ваколатли вакилларнинг ваколатлари муддати кооператив уставида белгиланади. Кооператив аъзолари ушбу Қонуннинг 23-моддасида белгиланган тартибда вакиллар йиғилишининг кун тартиби, у ўтказиладиган сана, жой ва вақт, ваколатли вакилларни сайлаш тартиби кўрсатилган ҳолда, ваколатли вакиллар сайланишидан бир ой олдин ёзма шаклда хабардор қилиниши керак.

Ваколатли вакилларнинг сони тегишли молия йилининг охиридаги кооператив аъзолари сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда кооператив уставида бир ваколатли вакил бир неча кооператив аъзоси номидан вакиллик қилиши мумкинлиги, шунингдек ҳар бир вакил кўпи билан ўн нафар кооператив аъзоси номидан вакиллик қилиши мумкинлиги назарда тутилиши мумкин.

Ваколатли вакил сайланганлиги уни сайлаган йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади.

Сайланган ваколатли вакилларнинг рўйхати улар сайланганидан кейин икки ҳафтадан кечиктирмай кооператив идорасида кооперативнинг аъзолари танишиб чиқиши учун эълон қилинади. Кооперативнинг ҳар бир аъзосига унинг талабига кўра рўйхатнинг кўчирма нусхаси тақдим этилади.

Ваколатли вакилларни сайлаш тартиби тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар кооператив бошқаруви ва кузатув кенгаши бир вақтда қабул қилган қарорларга асосан вакилларни сайлаш қоидаларида кўрсатилади. Ваколатли вакилларни сайлаш қоидалари кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши керак.

Ваколатли вакиллар ўз ваколатларини кооперативнинг бошқа аъзоларига ишончли вакил ёки ваколатли вакил сифатида бериши мумкин эмас.

27-модда. Кооператив бошқаруви

Кооператив бошқаруви кооперативнинг ижро этувчи органидир.

Кооператив бошқарувининг раиси кооператив бошқаруви аъзолари орасидан сайланади ва кооператив бошқарувининг мажлисларида раислик қилади.

Кооператив бошқаруви кооператив бошқарувининг раисидан ва кооператив бошқарувининг жуфт сонли аъзоларидан иборат бўлади.

Кооператив бошқаруви раиси ва унинг аъзолари уч йилдан кўп бўлмаган

муддатга сайланади. Кооператив уставида кооператив бошқаруви раиси ва унинг аъзолари иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, бошқарув соҳасида ва бошқа соҳаларда юқори малакага, шунингдек кўп йиллик тажрибага эга бўлиши кераклиги ҳақидаги қоида белгилаб қўйилиши мумкин.

Кооператив бошқаруви раиси ёки кооператив бошқаруви аъзолари кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосан исталган вақтда лавозимидан озод этилиши мумкин.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган, кооператив бошқаруви раисини ёки кооператив бошқаруви аъзосини муддатидан илгари вазифасидан озод этиш тўғрисидаги масалани кооператив аъзолари умумий йиғилишининг кун тартибига киритишни таклиф қилган кооператив аъзолари ўз таклифларини ва асосларини ёзма шаклда тақдим этиши керак.

Кооператив бошқаруви раисини ёки кооператив бошқаруви аъзосини муддатидан илгари лавозимидан озод этиш учун асос бўлган аудиторлик ҳулосаси кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида эълон қилиниши керак.

Кооператив бошқаруви кооператив устави ҳамда кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кооператив бошқаруви тўғрисидаги низом асосида ташкил этилади ва фаолиятини амалга оширади. Кооператив бошқаруви тўғрисидаги низомда кооператив бошқаруви аъзоларининг функционал вазифалари, кооператив бошқаруви мажлисларини чақириш ва ўтказиш, қарорлар қабул қилиш ва кооператив бошқаруви мажлисининг баённомасини тузиш тартиби белгиланиши керак.

Кооператив бошқарувининг қарорлари ҳар икки ойда камида бир марта ўтказиладиган бошқарув мажлисларида қабул қилинади.

Кооператив бошқарувининг мажлисида ҳар бир масала кўпчилик овоз билан ҳал қилинади, бунда бошқарувнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

Кооператив уставида кооператив бошқарувининг аъзолари ўз вазифаларини бажариши чоғида ҳақ ва (ёки) харажатлари учун компенсация олиши ёки олмаслиги кўрсатилиши керак. Агар ушбу аъзолар ҳақ ва (ёки) компенсация олса, уларни молиялаштириш манбалари кооперативнинг уставида кўрсатилиши керак.

Кооператив бошқаруви аъзолари ўз ваколатларини бошқа шахсларга бериши мумкин эмас.

28-модда. Кооператив бошқарувининг ваколатлари

Кооператив бошқарувининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради: кооперативнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва кооператив уставида назарда тутилган қоидалар асосида, кооператив манфаатларини инобатга олган ҳолда кооперативни бошқариш;

кооператив номидан ҳаракатларни бажариш ва унинг номидан шартномалар тузиш;

кооперативнинг бухгалтерия ҳисоби ҳолатини кузатиб туриш, инвента-

ризация ўтказиш, йиллик ҳисоботни ва йиллик балансни тузиш, уларни кооператив кузатув кенгашига тақдим этиш ҳамда уларни кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши муҳокамасига қўйиш;

йиллик ҳисоботни ёки йиллик балансни тайёрлаш чоғида кооперативда зарарлар аниқланганлиги ёки уларнинг ўрнини захира манбалар ҳисобидан қоплаш зарурати юзга келганлиги тўғрисидаги ахборотни кооператив аъзоларига маълум қилиш;

кооперативда аниқланган зарарларнинг ўрнини қоплаш учун захира жамғарма маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш ва ушбу масалани муҳокама қилиш;

кооперативга аъзо бўлиш ва кооперативга аъзоликни тугатиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ушбу масалалар юзасидан кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун таклифлар киритиш;

кооператив аъзоларини кооператив аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва кооператив аъзоларининг умумий йиғилишига ушбу масала бўйича таклифлар киритиш;

кооперативга аъзолик тугатилганда қайтарилиши лозим бўлган пайнинг миқдорини ва шаклини белгилаш;

кооператив аъзолари умумий йиғилишининг кун тартибини шакллантириш ва уни чақириш;

кооперативнинг кузатув кенгаши билан биргаликда йиллик соф фойданинг миқдорини тасдиқлаш, кооперативнинг йиллик соф фойдасини тақсимлаш ва зарарларининг ўрнини қоплаш тўғрисида таклифлар киритиш;

кооператив аъзолари умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига киритилмаган битимларни бажариш;

кооперативнинг кузатув кенгаши билан биргаликда молия-хўжалик фаолияти аудити натижалари тўғрисидаги аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар белгилаш;

кооператив аъзоларининг пул шаклида бўлмаган пай бадалларининг, шу жумладан мулк пайларнинг, мол-мулкнинг ёки мулк хуқуқларнинг пулда ифодаланган қийматини тасдиқлаш;

ушбу Қонунга, кооператив уставига ва тегишли қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кооперативда ишларни ташкил этиш, режалаштириш ва ҳужжатларни ҳамда ҳисоботларни, шунингдек кооператив аъзоларининг реестрини юритиш тартиби ва қоидаларига риоя этилишини таъминлаш.

Кооператив бошқарувининг ваколатлари жумласига ушбу Қонунда, кооператив уставада, кооператив бошқаруви тўғрисидаги низомда ёки кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши қарорларида назарда тутилган бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

29-модда. Кооператив бошқаруви раисининг ваколатлари

Кооператив бошқаруви раисининг ваколатлари жумласига қуйидагилар кирилади:

кооператив бошқарувининг мажлисларида раислик қилиш;

кооператив бошқаруви номидан қабул қилинган қарорларни ва кооператив бошқаруви мажлисларининг баённомаларини имзолаш, агар кооператив уставида ёки кооператив бошқаруви тўғрисидаги низомда қарорлар ва баённомалар кооператив бошқарувининг бошқа аъзолари томонидан имзоланиши назарда тутилмаган бўлса;

ваколатли вакиллар учун кооператив номидан ишончномаларни имзолаш; кооператив бошқарувининг таклифига асосан ижрочи директорни тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини тузиш;

ушбу органларнинг ваколатларига кирувчи масалаларга доир ишларни кооператив аъзолари умумий йиғилишининг, кооператив кузатув кенгашининг ва кооператив бошқарувининг қарорлари асосида ишончномасиз юриштиш.

Кооператив бошқарувнинг раиси қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

30-модда. Кооперативнинг кузатув кенгаши

Кооперативнинг кузатув кенгаши ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ ташкил этилади ҳамда тоқ сондан ва кооперативнинг камида уч нафар аъзосидан иборат бўлади.

Кооператив кузатув кенгаши аъзолари кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан кооператив аъзолари орасидан камида уч йил муддатга сайланади.

Кооператив кузатув кенгашининг аъзоси бир вақтнинг ўзида кооператив бошқарувининг аъзоси, кооператив раиси ёки ижрочи директори бўлиши мумкин эмас.

Ўз лавозимидан озод бўлиш хоҳишини билдирган кооператив бошқарувининг аъзолари ёки бошқарув раиси кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарорига кўра ўз лавозимидан озод этилмагунига қадар кооперативнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида кузатув кенгашига сайлов ёки қўшимча сайлов ўтказилганда кооператив бошқаруви аъзолари ва кооператив бошқаруви раиси ўз номзодларини таклиф этиши мумкин эмас.

Кооператив кузатув кенгашининг аъзоси ўз ваколатлари муддати тугашидан олдин кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарорига кўра лавозимидан озод этилиши мумкин. Ушбу қарор кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида иштирок этган кооператив аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кооператив кузатув кенгашининг аъзолари ўз таркибидан кузатув кенгаши раисини сайлайди ва расмийлаштирилган баённомани кооператив бошқарувига расмий тарзда тақдим этади.

Кооператив кузатув кенгаши раисининг вазифалари жумласига кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кооперативнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга мувофиқ кузатув кенгашининг мажлисларини тайёрлаш, чақириш, уларда раислик қилиш ҳамда кузатув кенгашининг фаолиятини ташкил этиш киради.

Кооператив кузатув кенгашининг қарорлари кузатув кенгашининг ҳар уч ойда камида бир марта ўтказиладиган мажлисларида қабул қилинади.

Кооператив кузатув кенгашининг мажлиси, агар унда аъзоларнинг учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кузатув кенгашининг мажлисида ҳар бир қарор мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

Кооператив аъзосининг кооператив кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги фаолияти ойлик иш ҳақи тўланмаган ҳолда жамоатчилик асосида амалга оширилади. Кооператив кузатув кенгаши аъзосининг ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида қилган харажатлари кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ компенсация қилинади.

31-модда. Кооператив кузатув кенгашининг ваколатлари

Кооператив кузатув кенгашининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

кооператив бошқарувининг ва унинг раисининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

кооператив бошқарувидан кооператив фаолияти билан боғлиқ маълумотлар, ҳисоботлар ва ҳужжатларни олиш, шунингдек ҳисоб-китоб варақлари ва ёзувлар билан танишиш;

кооператив аъзоларининг умумий йиғилишига кооператив бошқаруви томонидан тақдим этилган йиллик ҳисоботни, йиллик соф фойдани тақсимлаш ва йиллик камомаднинг ўрнини қоплаш бўйича таклифларни ўрганиш, йиллик бухгалтерия балансини ва ҳисоботларни тасдиқлашдан олдин кооператив аъзоларининг умумий йиғилишига текшириш натижаларини тақдим этиш;

кузатув кенгашининг айрим аъзоларига аниқ ва вақтинчалик вазифаларни бажаришни ўз ваколатлари доирасида топшириш;

йиллик баланс тасдиқлангунига қадар, аудиторлик текшируви натижалари тўғрисида ҳисобот ва кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши олдин кооператив фаолияти ҳақида ҳисобот тайёрлаш;

агар кооперативнинг манфаатлари учун зарур бўлса, кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш;

кооператив бошқаруви аъзоларининг ёки раисининг ваколатларини ўз ташаббуси билан тўхтатиб туриш, кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан ушбу масала бўйича қарор қабул қилингунига қадар кооператив фаолиятини давом эттириш учун зарур чораларни кўриш;

кооператив бошқарувининг аъзолари ёки кооператив бошқаруви раиси билан шартномалар тузиш чоғида, шунингдек кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан кооператив бошқаруви аъзоларига ёки кооператив бошқаруви раисига нисбатан чоралар кўриш чоғида кооператив номидан иш юритиш;

кооператив бошқаруви аъзоларига ёки кооператив бошқаруви раисига

бериладиган кредитларни кооператив уставида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ тасдиқлаш.

Кооперативнинг кузатув кенгаши қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Кооператив кузатув кенгашининг аъзолари ўз ваколатларини бошқа шахсларга беришга ҳақли эмас.

32-модда. Кооператив бошқаруви раисининг, кооператив бошқаруви ҳамда кооператив кузатув кенгаши аъзоларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

Кооператив бошқаруви раиси, кооператив бошқарувининг ва кооператив кузатув кенгашининг аъзолари ўз фаолиятини ушбу Қонунда ва кооператив уставида белгиланган ўз ваколатлари доирасида амалга ошириши шарт.

Кооператив бошқаруви раиси, кооператив бошқарувининг ва кузатув кенгашининг аъзолари ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган хизмат ва (ёки) тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини сақлаши шарт.

Кооператив бошқаруви раиси, кооператив бошқарувининг ва кооператив кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонун ҳамда кооператив устави талабларини бузганлиги, шунингдек ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида кооперативга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун тегишли суд қарори асосида солидар ҳамда якка тартибда жавобгар бўлади.

Кооператив бошқаруви раиси ва кооператив бошқарувининг аъзолари кооператив аъзосига пай, дивидендлар ёки фойдадан улуш тўлашни амалга оширишнинг, активларни бошқа шахсга беришнинг ёки тақсимлашнинг, тўловга қобилиятсизлик ҳолати бошланганидан кейин тўловларни амалга оширишнинг, рухсатсиз кредит беришнинг ушбу Қонунга ёки кооператив уставига зид бўлган усулларини қўллаш чоғида ёхуд бошқача тарзда етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Кооператив бошқаруви раиси, кооператив бошқарувининг ва кузатув кенгашининг аъзолари кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарори асосида амалга оширилган фаолият натижасида кооперативга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Кооператив бошқаруви раисининг ва аъзоларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

33-модда. Кооператив бошқаруви органларининг қарорлари ва кооператив мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Кооператив аъзолари кооператив бошқаруви органларининг, шу жумладан мансабдор шахсларининг ушбу Қонун ва кооператив устави талабларини, шунингдек кооператив аъзоларининг ҳуқуқлари ва (ёки) қонуний манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиши мумкин.

5-боб. Кооперативнинг капитали, пай бадаллари, захира жамғармаси

34-модда. Кооперативнинг ўз капиталини шакллантириш манбалари

Кооперативнинг ўз капитали қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

кооператив аъзоларининг ушбу Қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган мажбурий пай бадаллари ва қўшимча пай бадаллари;

инвестиция киритувчи кооператив аъзоларининг мажбурий пай бадаллари ва қўшимча пай бадаллари;

кооператив фаолияти натижасида олинган йиллик соф фойданинг кооперативнинг захира, бўлинмас ва бошқа жамғармаларига ажратилиши керак бўлган қисми;

кооператив уставига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кооператив ўз капиталининг бошқа манбалари.

Кооператив кооперативнинг аъзолари томонидан ўзига пай бадаллари сифатида берилган, шунингдек ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган мол-мулкнинг мулкдоридир.

35-модда. Кооператив аъзоларининг пай бадаллари ва пайлари

Кооператив аъзоларининг пай бадаллари мажбурий ва қўшимча пай бадаллари тарзида киритилади.

Кооперативнинг мажбурий пай бадали кооперативнинг ҳар бир аъзоси учун тенг миқдорларда белгиланади.

Кооператив аъзоларининг қўшимча пай бадалларини киритиш мажбуриятининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Бунда мажбурий пай бадалини тўлиқ ҳажмда тўлаган ҳамда кооператив аъзолигига кирган даври олти ойдан кам бўлмаган кооператив аъзоларига қўшимча пай бадалини киритишга рухсат берилади.

Кооператив уставида қўшимча пай бадалининг миқдорига нисбатан чекловлар ва қўшимча шартлар белгиланиши мумкин.

Кооператив ҳар бир аъзоси умумий пай қийматининг миқдори мажбурий ва қўшимча пай бадалларининг умумий қийматига тенгдир.

Умумий пай қийматининг миқдори йиллик соф фойдадан кооперативнинг захира жамғармасига чегирма қилинган маблағлар ҳисобига қўпайиб бориши ёки йил якунларига кўра юзага келган зарар ҳисобига камайиб бориши мумкин.

Кооператив бир аъзоси умумий пай қийматининг миқдори кооператив пай фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

Қўшма кооператив бир аъзоси умумий пай қийматининг миқдори қўшма кооператив пай фондининг қирқ фоизидан ошмаслиги керак.

Кооператив аъзолари томонидан киритиладиган мажбурий ва қўшимча пай бадалларининг ҳисоби уларнинг пулдаги ифодасида юритилади. Коопера-

тив томонидан кооператив аъзосига мажбурий ва қўшимча бадалларни киритиши учун кредитлар берилиши мумкин эмас.

Кооперативга аъзо бўлиб кирган шахс пай бадали ҳисобига мулкӣ улушларни ва бошқа мол-мулкни ёки мулкӣ ҳуқуқларни киритган тақдирда пай бадалининг пулдаги қиймати кооператив бошқаруви томонидан баҳоланади ҳамда кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланади. Кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарорига кўра пай бадалининг пулдаги қиймати мустақил баҳоловчи (баҳоловчи ташкилот) томонидан баҳоланиши мумкин.

Баҳоланган пай бадали қийматининг мажбурий пай бадалидан ошган қисми кооператив аъзосининг розилиги билан унинг қўшимча пай бадали ҳисобига ўтказилиши мумкин.

Биттадан ортиқ қўшимча пай бадали киритган кооператив аъзоси ўзининг бир ёки бир нечта қўшимча пай бадалини қайтариб олиши мумкин. Бунда пай бадалларини қайтариб олиш молия йилининг охирида амалга оширилади, бу кооператив аъзосининг зиммасига ўзининг пай бадалини қайтариб олиш нияти тўғрисида молия йили тугашидан камида уч ой олдин ёзма шаклда кооператив бошқарувини хабардор қилиш мажбуриятини юклайди.

Кооператив ўз аъзосига пай бадалини қайтармайди, бундан кооперативга аъзоликни тугатиш ҳоллари мустасно. Бунда кооператив пайни қайтаришни рад этишга ёки уни кооператив аъзосига тўланиши лозим бўлган тўловлар ҳисобига ўтказиб юборишга, шунингдек пай бадалини киритиш учун кооператив аъзосига кредит беришга ҳақли эмас.

36-модда. Кооперативнинг захира жамғармаси, бўлинмас жамғармаси ва бошқа жамғармалари

Захира жамғармасининг, бўлинмас жамғармасининг ва бошқа жамғармаларнинг миқдори, шунингдек уларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби кооператив уставда белгиланади.

Захира жамғармаси кооператив уставда белгиланган кооператив захира жамғармасининг миқдорига етгунига қадар йиллик соф фойдадан мажбурий ажратмалар, шунингдек бошқа манбалардан, агар кооператив уставда назарда тутилган бўлса, ажратмалар ҳисобидан шакллантирилади. Бунда соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар миқдори кооператив уставда назарда тутилади, бироқ ушбу миқдор кооператив уставда белгиланган миқдорни кооператив олгунига қадар соф фойданинг камида беш фоизини ташкил этиши керак.

Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, кооперативнинг захира жамғармаси кооперативнинг зарарлари ўрнини қоплаш учун мўлжалланади. Кооперативнинг захира жамғармаси маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

37-модда. Кооперативнинг йиллик соф фойдасини тақсимлаш ва зарарларининг ўрнини қоплаш

Кооператив томонидан солиқлар ва йиғимлар тўлиқ тўланганидан кейин

қолган йиллик соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилинади, бунда йиллик соф фойда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тақсимланади:

кооперативнинг муддати ўтган қарзларини тўлаш;

кооперативнинг захира жамғармасига, бўлинмас жамғармасига ёки кооператив уставида назарда тутилган бошқа жамғармаларга ажратмалар қилиш;

кооператив аъзоларига уларнинг мажбурий ва қўшимча пай бадаллари бўйича тегишли бўлган дивидендларни тўлаш;

кооператив аъзоларининг кооперативнинг иқтисодий фаолиятидаги иштирокига мутаносиб равишда уларга ҳисоб-китоб тартибига ва кооператив уставида назарда тутилган шартларга мувофиқ амалга ошириладиган тўловлар.

Агар кооперативнинг йиллик соф фойдаси дивидендларни тўлаш учун фойдаланилса, дивидендлар, агар кооператив уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кооператив аъзоси томонидан мажбурий ва қўшимча пай бадаллари тўлиқ киритилгунига қадар кооператив аъзосининг пай таркибига киритилади.

Кооператив аъзоси томонидан кооперативга зарар етказилган тақдирда, унинг кооперативга етказилган зарар ҳисобига камайган пайи миқдори қайта тўлдирилгунига қадар ушбу аъзога дивиденд тўланмайди.

Кооператив аъзолари ўртасида пайлар бўйича тақсимланадиган дивидендларнинг миқдори кооператив уставида белгиланади.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган йиллик баланс ва шахсий ҳисобварақларнинг маълумотлари асосида аниқланган кооператив зарарларининг ўрни устуворлик тартибида қуйидаги тарзда қопланади:

кооперативнинг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

олдинги молия йили охиридаги кооператив аъзолари пайининг миқдорига мутаносиб равишда зарарларни кооператив аъзолари ўртасида тақсимлаш орқали. Бу ҳолда кооператив аъзолари пайининг миқдорлари мос равишда камаяди.

Кооператив аъзолари ўртасида жорий молия йилининг соф фойдаси ёки зарарлари уларнинг олдинги молия йили охиридаги пайининг миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади. Биринчи молия йилида тақсимлаш биринчи молия йили якунларига кўра улар киритган пай бадалларининг миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Кооперативнинг йиллик соф фойдасини тақсимлаш ёки йиллик зарарларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги қарор молия йили тугаганидан кейин уч ой ичида кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Йиллик молиявий ҳисоботларни ёки оралик молиявий ҳисоботларни тузиш чоғида ёки кооператив фаолиятини ўрганиш даврида кооперативнинг зарарлари миқдори кооператив аъзолари пайлари ва кооператив захира жамғармаси умумий миқдорининг эллик фоизидан ортиқни ташкил этиши

аниқланган тақдирда, кооператив бошқаруви дархол кооператив аъзоларининг умумий йиғилишини чақиради ва бу ҳақда уларни хабардор қилади.

38-модда. Кооператив ва унинг аъзоларининг мулкӣ жавобгарлиги

Кооператив ўз фаолияти билан боғлиқ мажбуриятлари бўйича ўзининг бутун мол-мулки доирасида жавобгар бўлади. Кооператив ўз аъзоларининг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Кооператив аъзоси кооперативнинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан жавобгар бўлмайди. Кооператив аъзоси ушбу Қонунга ва кооператив уставига мувофиқ кооператив фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган зарарлар учун ўзининг мажбурий пай бадали миқдори доирасида, шу жумладан мажбурий пай бадалининг киритилмаган қисми доирасида ҳам жавобгар бўлади.

Агар кооперативнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни юритиш жараёнида кооперативнинг мол-мулки ва захира жамғармаси маблағлари кредиторлик қарзини тўлаш учун етарли бўлмаса, агар кооператив уставида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида кооператив аъзоларидан қўшимча пай бадалларини йиғиш тўғрисида кўпчилик овоз билан қарор қабул қилинади. Бу ҳолда, агар кооператив уставида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қўшимча пай бадалларининг миқдори кооперативнинг барча аъзолари учун бир хил бўлади.

Кооператив аъзосининг айби билан етказилган зарарларнинг ўрни ушбу Қонунда, кооператив уставида ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қопланади.

6-боб. Кооперативнинг фаолияти

39-модда. Кооперативнинг битимлари

Кооператив ва кооператив аъзолари ўртасидаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш мақсадида кооператив етиштириладиган маҳсулотларни харид қилиш, хизматлардан фойдаланиш, маҳсулотни реализация қилиш тўғрисида кооператив аъзолари билан битимлар тузади, шунингдек кооператив фаолиятининг мақсадлари доирасидаги шартномавий мажбуриятларни бажариш учун тарафларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи битимлар ва қонунчиликка мувофиқ бошқа битимлар тузади.

Агар кооперативнинг уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кооперативнинг мол-мулкани, шу жумладан асосий воситаларини сотиб олиш ёки сотиш ёхуд кооперативнинг қарзлари, шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик бўйича битимлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

фоизлардаги қиймати кооператив активлари умумий қийматининг ўн фоизигача бўлган битим кооператив бошқарувининг қарорига кўра тузилади; фоизлардаги қиймати кооператив активлари умумий қийматининг ўн фо-

изидан йигирма фоизгача бўлган битим кооператив бошқарувининг ва кооператив кузатув кенгашининг қўшма қарорига кўра тузилади;

фоизлардаги қиймати кооператив активлари умумий қийматининг йигирма фоиздан ортиқ бўлган битим кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарорига кўра тузилади.

Юридик жиҳатдан алоҳида бўлган, аммо иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ битимларнинг қиймати биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан белгиланади.

Кооперативнинг кооператив бошқаруви раиси, кооператив бошқарувининг ёки кооператив кузатув кенгашининг аъзолари, уларнинг яқин қариндошлари ёхуд пай миқдори пай фондидан ўн фоиздан кўпроқни ташкил этадиган пай эгалари иккинчи тараф сифатида иш юритган битими манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган битим деб ҳисобланади.

Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган битимларни тузиш тўғрисидаги қарорлар кооператив бошқарувининг ва кооператив кузатув кенгашининг қўшма йиғилишида бир овоздан қабул қилиниши ҳамда кооператив аъзолари умумий йиғилишида овозларнинг камида учдан икки қисми билан тасдиқланиши керак.

Ушбу моддада назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда тузилган битим кооперативнинг ёки кооператив аъзосининг талабига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

40-модда. Кооперативда ҳужжатлар ва ҳисоботларни юритиш

Кооператив бухгалтерия ҳисобини ва молиявий ҳисоботларни тўғри юритиши, кооперативнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаши, кооператив аъзолари умумий йиғилишларининг, кооператив бошқаруви мажлисларининг ҳамда кооператив кузатув кенгаши мажлисларининг баённомаларини, кооператив аъзоларининг реестрини, шунингдек ушбу Қонунда, кооператив уставида ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳисоботлар ва ҳужжатларни юритиши шарт.

Кооператив бошқаруви кооперативнинг бухгалтерия, молиявий ва статистика ҳисоботларини, шунингдек кооперативнинг йил давомидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда аудиторлик хулосасини давлат органларига қонунчиликда назарда тутилган тартибда тақдим этади.

Кооператив бошқаруви кооперативнинг бухгалтерия, молиявий ва статистика ҳисоботларидаги, кооперативнинг йил давомидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботдаги маълумотларнинг, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотларнинг ишончилиги учун қонунчиликда назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

41-модда. Кооперативнинг ижрочи директорлари ва ходимлари

Кооператив бошқаруви ижрочи директорлари ёллашга ҳақли. Бунда кооперативнинг ижрочи директорлари билан меҳнат шартномаси кооператив бошқаруви номидан кооператив бошқарувининг раиси томонидан тузилади ва бекор қилинади.

Ижрочи директор кооперативнинг бошқаруви тўғрисидаги низомга, кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарорларига ва кооператив бошқарувининг қарорларига асосан кооператив ва унинг ходимлари фаолиятини кундалик бошқаришни ҳамда унга раҳбарликни амалга оширади. Ижрочи директор ўз фаолиятида кооператив бошқаруви раиси олдида ҳисобдор бўлади, зарур бўлган тақдирда эса кооперативнинг бошқаруви, кооперативнинг кузатув кенгаши ва кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши олдида ҳисоб беради.

Кооператив ўз фаолиятини самарали ташкил этиш учун ходимларни ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бунда ходимлар билан меҳнат шартномаси ижрочи директор томонидан кооператив бошқаруви номидан тузилади ва бекор қилинади. Агар кооперативда ижрочи директор бўлмаса, ходимлар билан меҳнат шартномалари кооператив бошқаруви раиси томонидан кооператив бошқаруви номидан тузилади ва бекор қилинади.

Кооператив, ижрочи директор ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

7-боб. Кооператив фаолиятининг аудиторлик текшируви

42-модда. Кооператив фаолиятининг аудити

Кооператив ўзининг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиши, бунинг жараёнида молиявий ҳисоботнинг ва бошқа молиявий ахборотнинг, шу жумладан кооперативнинг активлари, кооперативнинг балансидаги объектлар тўғрисидаги ахборотнинг ҳамда бошқа ахборотнинг аудиторлик текшируви амалга оширилади.

Кооперативнинг мажбурий аудиторлик текшируви кооперативнинг молия йили тугаганидан кейин «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун назарда тутилган муддатларда ўтказилади, аудиторлик хулосаси эса кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар ўн кун олдин кооператив бошқарувига тақдим этилиши керак.

Кооперативнинг мажбурий аудиторлик текшируви аудитор ёки аудиторлик ташкилоти томонидан шартномага асосан ўтказилади.

Кооператив бошқаруви ёки кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан танланган аудитордан ёки аудиторлик ташкилотидан навбатдан ташқари аудиторлик текширувини ўтказишни исталган вақтда талаб этишга ҳақли.

Кооперативнинг аудиторлик текширувини амалга оширувчи аудиторлик ташкилоти Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилган бўлиши керак.

Кооперативнинг аудиторлик текширувини ўтказишда аудиторлик ташкилотининг раҳбари ва аудитор «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган чекловларга риоя этиши, шу жумладан аудиторлик текшируви ўтказилишидан олдинги охириги икки молия йили ичида кооператив аъзолари ёки кооператив ходимлари,

кооператив бошқарувининг раиси, кооператив бошқарувининг ёки кооператив кузатув кенгашининг аъзолари билан мулкый муносабатларга эга бўлмаслиги керак.

Аудитор ёки аудиторлик ташкилоти кооператив бошқаруви билан шартнома тузади.

Аудитор ёки аудиторлик ташкилоти кооперативнинг аудиторлик текширувини қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган аудиторлик фаолияти стандартларига мувофиқ ўтказиши керак.

Аудитор ёки аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви давомида маълум бўлиб қолган кооперативнинг тижорат сирини ошкор этишга ҳақли эмас. Аудитор ёки аудиторлик ташкилоти кооперативнинг тижорат сирини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли ошкор этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Кооператив бошқаруви раиси ва кооператив бошқаруви аъзолари, кооперативнинг кузатув кенгаши, кооперативнинг ижрочи директори ва ходимлари кооперативнинг аудиторлик текширувини ўтказишда аудитор ёки аудиторлик ташкилоти томонидан сўралган маълумотларни тақдим этиши шарт.

43-модда. Кооперативларга кўрсатиладиган аудиторлик хизматларининг турлари

Аудитор ёки аудиторлик ташкилоти кооперативга қўйидаги аудиторлик хизматларини кўрсатади:

1) кооперативнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни, йиллик молиявий ҳисоботини ва балансини, активларини, объектларини ва кооператив фаолиятининг бошқа йўналишларини текширишни улар кооператив бошқаруви томонидан кооператив аъзоларининг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилгунигача қадар амалга оширади;

2) кооперативнинг уставида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ кооперативнинг молия-хўжалик фаолиятини, пул маблағларидан мақсадли фойдаланилишини ва кооперативнинг мол-мулкидан фойдаланилишини таҳлил қилади;

3) кооператив кузатув кенгашининг раисини молиявий ҳисоботдаги аудиторлик текшируви давомида аниқланган камчиликлар ва у билан боғлиқ молиявий ахборот тўғрисида хабардор қилади;

4) қўйидагиларни ўз ичига олган аудиторлик хулосасини тақдим этади: кооперативнинг фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботда, йиллик молиявий ҳисоботда, балансда ва кооперативнинг бошқа ҳужжатларида тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигини баҳолашни;

бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишлари ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида яққол гувоҳлик берувчи фактлар тўғрисидаги ахборотни;

қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш бўйича тавсияларни;

5) кооперативнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва унинг молия-хўжалик фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тақдим этиш.

44-модда. Кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш

Кооператив аъзоларининг навбатдаги умумий йиғилишида кооператив бошқаруви аудиторлик хулосасини кўриб чиқишга бағишланган йиғилишнинг кун тартибини эълон қилади.

Кооперативнинг кузатув кенгаши аудиторлик хулосаси бўйича асосий хулосалар ва эътирозларни тақдим этади. Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида иштирок этаётган кооператив аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарор мавжуд бўлганда аудиторлик хулосаси қисман ёки тўлиқ ўқиб берилади.

Кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қарор кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида иштирок этаётган кооператив аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Аудитор кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этади.

8-боб. Кооперативлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**45-модда. Давлатнинг кооперативларга нисбатан асосий вазифалари**

Давлат республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун масъул бўлган жамоат бирлашмалари орқали кооперативларга тааллуқли бўлган қўйидаги вазифаларни бажаради:

аграр-иқтисодий сиёсат ёрдамида кооперативлар фаолияти учун қулай муҳитни таъминлаш;

кооперативларнинг самарали фаолияти ва ривожланиши учун амалий чоралар кўриш ва қулай шарт-шароитлар яратиш;

кооперативлар фаолиятини рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватловчи мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

давлат томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилаётган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш;

банк кредитларидан ва бошқа молиявий ресурслардан фойдаланишда кооперативларга кўмаклашиш;

кооперативларни иқтисодий, социал, ҳудудий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш учун уларнинг нисбий афзалликларини ҳисобга оладиган ҳамда кооператив аъзосининг кооперативнинг йиллик соф фойдасидан ушлаб қолинган даромадларига қайта солиқ солишнинг олдини оладиган солиқ тўғрисидаги қонунчилик нормаларини амалга ошириш;

кооперативларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун тегишли миллий ва халқаро давлат ташкилотлари ҳамда хусусий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

кооперативларни кооперативлар ассоциациясига бирлаштиришга кўмаклашиш;

кооперативлар фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа вазифаларни ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бажариш.

46-модда. Кооперативлар фаолиятининг кафолатлари

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслар кооперативнинг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралаштиришга ҳақли эмас.

Кооперативга етказилган ҳақиқий зарарларнинг ўрни, шу жумладан бой берилган фойда ушбу зарарларни етказган шахс томонидан тўлиқ қопланиши керак.

Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилинганлиги, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида кооперативга етказилган зарарларнинг ўрни давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қопланиши лозим. Бундай зарарларнинг ўрни давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари ҳисобидан қопланади. Суднинг қарори билан зарарларнинг ўрнини қоплаш зарар етказган давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари зиммасига юклатилиши мумкин.

9-боб. Кооперативни қайта ташкил этиш ва тугатиш

47-модда. Кооперативни қайта ташкил этиш

Кооперативни қайта ташкил этиш қонунчиликда ва кооператив уставида белгиланган тартибда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Кооператив кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра қайта ташкил этилиши мумкин.

Кооперативни қайта ташкил этиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

кооперативни бир ёки бир нечта бошқа кооперативлар билан янги кооперативга қўшиб юбориш, бунда кооперативларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасида кўрсатилгани ёки кўрсатилмаганидан қатъи назар, янгидан вужудга келган кооперативга ўтади;

кооперативни бошқа кооперативга қўшиб олиш, бунда топшириш далолатномасида кўрсатилгани ёки кўрсатилмаганидан қатъи назар, қўшиб олинган кооперативнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари уни ўзига қўшиб олаётган кооперативга ўтади;

кооперативни икки ёки ундан ортиқ янги кооперативларга бўлиш, бунда тақсимлаш балансига мувофиқ кооперативнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан вужудга келган кооперативларга ўтади;

кооператив таркибидан унинг бир қисмини ёки бир нечта кооперативларнинг бир қисмини ажратиш чиқариш, бунда қайта ташкил этилган коопера-

тивнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади;

бир турдаги кооперативни бошқа турдаги юридик шахс этиб ўзгартириш (ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш), бунда қайта ташкил этилган кооперативнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасида кўрсатилгани ёки кўрсатилмаганидан қатъи назар, янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Кооперативни қайта ташкил этиш, кооперативнинг қарзларини тўлаш ҳамда кооперативнинг қолган активларини кооператив аъзолари ўртасида тақсимлаш тартиби ва шартлари кооперативнинг уставига белгиланади.

Кооперативни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида кооператив аъзолари умумий сонининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кооперативни қайта ташкил этишда унинг уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади, улар давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

48-модда. Кооперативни тугатиш турлари

Кооперативни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмасдан тугатишга олиб келади.

Кооперативни тугатиш қўйидагилар орқали амалга оширилади:

кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра ихтиёрий равишда тугатиш;

уни суд тартибида банкрот деб топиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига асосан тугатиш;

уни Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмайдиган тадбиркорлик субъектлари реестридан чиқариш.

49-модда. Кооперативни тугатиш учун асослар

Кооператив қўйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ, шу жумладан кооперативнинг амал қилиш муддати тугаганлиги, уни ташкил этиш мақсадига эришилганлиги муносабати билан ёхуд кооперативни ташкил этиш чоғида қонун бузилганлиги муносабати билан, агар бунда қоидабузарликларни бартараф этиш мумкин бўлмаса, кооперативни давлат рўйхатидан ўтказиш суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда;

фаолият лицензиясиз, рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатсиз ва ваколатли органни хабардор қилмасдан амалга оширилган ёхуд қонун билан тақиқланган фаолият амалга оширилган тақдирда, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда;

ҳаракатсизлик режимига ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичида молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган тақдирда;

кооператив банкрот деб топилган тақдирда;

агар кооператив аъзоларининг сони еттита кооператив аъзосидан кам бўлса ёки қўшма кооператив аъзоларининг сони учта қўшма кооператив аъзоларидан кам бўлса;

агар кооператив аъзоларининг йиллик умумий йиғилиши кетма-кет уч молия йили ичида чақирилмаган бўлса;

кооперативнинг тўловга қобилиятсизлиги туфайли;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Кооператив тугатилиши муносабати билан унинг фаолиятини тугатиш ушбу Қонуннинг 51-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

50-модда. Кооперативнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳақиқий эмас деб топиш

Кооперативни давлат рўйхатидан ўтказиш уни ташкил этиш чоғида йўл қўйилган қонунчилик бузилишлари муносабати билан, агар ушбу қоидабузарликлар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлса, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Кооперативнинг ҳар қандай аъзоси, кооператив бошқарувининг ёки кооператив кузатув кенгашининг аъзоси кооперативни давлат рўйхатидан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Кооператив уставини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳар қандай камчиликлар кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан мазкур уставга ушбу Қонунда белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали бартараф этилиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳақиқий эмас деб топилган кооператив фаолиятини тугатиш ушбу Қонуннинг 51-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

51-модда. Кооперативни тугатиш тартиби

Кооперативни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши ёки бошқа ваколатли орган томонидан қабул қилинади.

Кооперативни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни ичида давлат хизматлари марказига юборилади.

Кооператив бошқаруви кооператив аъзолари умумий йиғилишининг ёки ваколатли органнинг топшириғига кўра тугатувчини — тугатиш комиссиясини тайинлайди ҳамда тугатиш тартиби ва муддатини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ белгилайди.

Кооператив аъзолари умумий йиғилишининг аризасига кўра суднинг кооперативни тугатиш тўғрисидаги қарори билан кооператив бошқарувининг ёки кооператив уставида кооперативни тугатишга ваколат берилган бошқа органнинг зиммасига кооперативни тугатиш вазифаси юклатилиши мумкин.

Кооперативни ихтиёрий равишда тугатиш жараёни тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Тугатиш комиссияси аъзолари тўғрисида-

ги маълумотлар кооперативни ихтиёрий тугатиш ҳақида давлат хизматлари марказига юборилган қарорда кўрсатилади.

Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва уларни кооперативни тугатиш тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиш чораларини кўради.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан кооператив ишларини бошқариш ваколатлари ушбу комиссияга ўтади. Тугатиш комиссияси судда тугатилаётган кооператив номидан даъвогар ёки жавобгар сифатида иш юритади.

Тугатиш комиссияси тадбиркорлик фаолиятини яқунлаш бўйича тегишли чораларни кўради, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Тугатиш комиссияси кооперативнинг расмий ҳужжатларидаги кооператив номига «тугатилаётган» деган сўзни қўшади ва унинг номидан имзо қўяди.

Кооперативни тугатиш, шунингдек унинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ бошқа ваколатлар, вазифалар, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва ўзга шартлар қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

52-модда. Кооперативнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш

Агар кооператив аъзолари чекланган миқдорда қўшимча пай бадалларини киритиш мажбуриятига эга бўлса ва ушбу тўловларни киритиш имконияти мавжуд бўлмаса ёхуд агар кооператив тугатилаётган бўлса, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида ундирув кооперативнинг мол-мулкига қаратилиши мумкин.

Тўловга қобилиятсизлик белгилари мавжуд бўлган тақдирда, кооперативнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза кооператив бошқаруви томонидан судга берилади, кооператив тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қаноатлантириш имконияти бўлмаган тақдирда эса кооперативга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан тугатиш комиссияси судга мурожаат қилади.

Кооператив суд томонидан тўловга қобилиятсиз деб топилган пайтдан эътиборан кооператив бошқаруви кооперативнинг мол-мулкани тасарруф этишга ҳақли эмас.

Кооперативнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш чоғида тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларини қўллаш тартиби «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

53-модда. Кооперативни тугатиш ва кооперативнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни суд томонидан кўриб чиқиш даврида кооператив аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Кооператив тугатилаётган ва суд томонидан кооперативнинг тўловга қо-

билиятсизлиги тўғрисидаги иш кўриб чиқиляётган даврда кооператив аъзоларининг мажбурий пай бадаллари миқдорини оширишга ёки кооператив аъзоларининг қўшимча бадаллар бўйича мажбуриятлари чегараларини оширишга йўл қўйилмайди.

Кооператив кредиторларининг талаблари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қаноатлантирилади.

Кооператив тугатиляётган ва суд томонидан унинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш кўриб чиқиляётган даврда кооперативнинг мол-мулки кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаган тақдирда, кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши овозларнинг тўртдан уч қисмидан иборат бўлган кўпчилик овоз билан мажбурий пай бадалини тўлиқ ҳажмда киритмаган кооператив аъзоларининг зиммасига пай бадалининг камомадни қоплаш учун зарур бўлган қолган қисмини белгиланган муддат ичида киритиш мажбуриятини юклаши мумкин. Тугатиш балансини тузишда мажбурий пай бадаллари тўлиқ тўланган деб ҳисобга олинади.

Кооперативнинг мол-мулки кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаган тақдирда, кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши овозларнинг тўртдан уч қисмидан иборат бўлган кўпчилик овоз билан кооператив аъзоларининг зиммасига камомадни қоплаш учун зарур бўлган миқдордаги қўшимча пай бадалларини ўз қўшимча пай бадалларининг умумий суммасига мутаносиб равишда киритиш мажбуриятини юклаши мумкин, бунда қўшимча пай бадаллари пай бадаллари миқдоридан ошмаслиги керак. Мазкур қоида, агар кооператив уставида кооперативнинг мол-мулки кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаган ҳолларда, кооператив аъзолари кооператив тугатиляётган даврда қўшимча пай бадалларини киритмаслиги кераклиги белгиланган бўлса, қўлланилмайди.

Агар тугатиляётган кооперативнинг пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш мақсадида кооперативнинг мол-мулкини қонунчиликда белгиланган тартибда очик савдоларда сотишни амалга оширади.

Кооперативнинг мол-мулки кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилгунига ёки қоплангунига қадар, шунингдек кредиторлар кооператив тугатилганлиги тўғрисида хабардор қилинган кундан эътиборан бир йил ўтгунига қадар унинг аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш жараёни тугаганидан кейин кооперативнинг қолган мол-мулки кооператив аъзолари ўртасида уларнинг пай бадалларининг энг кўп сони миқдорида тақсимланади. Биринчи навбатда қўшимча пай бадалларини қўшган кооператив аъзоларига улар қўшган қўшимча пай бадаллари миқдорига мутаносиб равишдаги маблағлар қайтарилади. Кооператив мол-мулкининг қолган қисми кооператив аъзолари ўртасида тенг тақсимланади. Кооператив уставида кооперативнинг мол-мулкини кооператив аъзолари ўртасида тақсимлашга доир тақиқ ёки бошқа шартлар назарда тутилиши мумкин.

Кооперативни тугатиш ва кооперативнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни суд кўриб чиқиш даврида кооператив аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли бошқа масалалар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

10-боб. Яқунловчи қоидалар

54-модда. Кооперативларнинг бирлашиши

Кооперативлар умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида кооперативлар уюшмаларига бирлашиши мумкин.

Кооперативлар уюшмаларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши тартиби «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

55-модда. Низоларни ҳал этиш

Кооперативнинг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши, тугатилиши, шунингдек кооперативнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳақиқий эмас деб топиш чоғида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

56-модда. Кооператив тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Кооператив тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

57-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «**Кооперация тўғрисида**»ги 295–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 193-модда; 1994 йил, № 2, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 181-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 2, 76-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **5-модда 1-бандининг биринчи хатбошиси** «матлубот кооперативида (жамиятида)» деган сўзлардан кейин «хамда қишлоқ хўжалиги кооперативида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **13-модданинг:**

номидаги «(ширкатлари)» деган сўз чиқариб ташлансин;

матнидаги «(ширкати)» деган сўз чиқариб ташлансин;

3) **14-модданинг**:

номидаги «(ширкатларининг)» деган сўз чиқариб ташлансин;

матнидаги «(ширкатлари)» деган сўз чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**»ги 837–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда, № 11, 1065-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 7-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **102-модданинг биринчи қисмидаги** «(ширкатлари)» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **117-модданинг матнидаги** «(ширкатлари)» деган сўз чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11,

921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда) **69-моддаси** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиладиган ва ишлаб чиқариш кооперативининг шакли бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативи қўшма қишлоқ хўжалиги кооперативи шаклида ҳам ташкил этилиши мумкин».

4. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 919-модда; 2024 йил, № 7, 629-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **49-модданинг:**

номидаги «(ширкат хўжаликларига)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи — қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошириш учун пай усулига, жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган мустақил тижорат ташкилоти»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **иккинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисмидаги «(ширкат хўжаликларига)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «(ширкат хўжаликларига)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмининг биринчи ва иккинчи жумлалари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги кооперативларига, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига электрон онлайн-аукцион орқали берилади. Ер участкасининг ижара шартномаси қишлоқ хўжалиги кооперативи раиси, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташкилоти раҳбари билан туман ҳокими ўртасида тузилади»;

олтинчи қисмидаги «(ширкат хўжаликлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **51-модда:**

биринчи қисмидаги «(ширкат хўжаликлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «(ширкат хўжаликлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «(ширкат хўжалиги)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Оила (жамоа) пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги кооперативи, бошқа жамоа қишлоқ хўжалиги корхонаси бошқарув органлари орқали шу кооператив, жамоа корхонаси билан ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг иш берувчиси (маъмурияти) билан оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берилган вакили) ўртасида тузилади»;

тўққизинчи қисмидаги «(ширкат хўжалиги)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **52-модданинг матнидаги** «(ширкат хўжалиги)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–677-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 146-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда)

35-моддасининг биринчи қисмига қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қишлоқ хўжалиги кооперативлари»;

бешинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча **олтинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида**»ги 600–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 84-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги 601–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 85-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 535–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **XX бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўз-**

гартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 568–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **XIX бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган «**Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–197-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **20-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–240-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 472-модда) **7-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–345-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 336-модда) **8-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартда қабул қилинган «**Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–531-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 3, 166-модда) **6-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **89-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июнда қабул қилинган «**Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–782-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 6, 577-модда) **6-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 16 январда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–896-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 1, 5-модда) **5-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 февралда қабул қилинган «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–911-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 2, 111-модда) **9-моддаси**.

58-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

59-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

60-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 8 ноябрь,
ЎРҚ–995-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

389 Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишини йўлга қўйиш, спорт иншоотларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш ва уларга зарур шарт-шароитларни яратиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) 2024 йил 15 декабрдан бошлаб:

спорт билан шуғулланиш истагидаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатига кўра уларга «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» марказлари) томонидан давлат мулкида бўлган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида спорт билан бепул шуғулланиш учун йўлланмалар берилади;

спорт билан бепул шуғулланиш имкони яратилган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари рўйхати тегишинча Спорт вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан биргаликда тасдиқланади ҳамда доимий янгилаб борилади;

б) 2025 йил 15 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат мулкида бўлган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида ташкил этилган спорт тўғарақларидаги иштироки «Инсон» маркази томонидан йўлланма берилган кундан бошлаб ҳар олти ойда бир мартаба жойига чиққан ҳолда ёки «ERP-sport» ягона электрон бошқарув тизими орқали мониторинг қилиб борилади.

2. Агентлик 2025 йил якунига қадар кўз ва таянч ҳаракат аъзолари касалликларига чалинган ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, болаларга жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларига бориб-келишига кўмаклашиш мақсадида спорт билан шуғулланиш истагидаги ногиронлиги бўлган шахслар сони юқори бўлган ҳудудларда давлат ижтимоий буюртмаси орқали нодавлат нотижорат ташкилотлар ёки кўнгилчиларни жалб этган ҳолда ҳамроҳлик хизматини босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсин. Бунда белгилансинки:

давлат ижтимоий буюртмаси орқали нодавлат нотижорат ташкилотлар

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

ёки кўнгиллилар Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тўғридан-тўғри жалб этилади;

«Инсон» марказлари ҳузурида кўнгиллилар гуруҳларини ташкил этишга рухсат этилади;

давлат ижтимоий буюртмаси орқали нодавлат нотижорат ташкилотлар ёки кўнгиллиларни жалб этиш Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Агентликнинг 2025-2026 йилларда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва «Мурувват» интернат уйларида Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан спорт объектларини қуриш, таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларда спорт тўғарақларини ташкил қилиш таклифига розилик берилсин. Бунда:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва «Мурувват» интернат уйларида спорт тўғарақлари ташкил қилиниши ҳамда ушбу тўғарақларда кундузги қатнов хизмати йўлга қўйилиши;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва «Мурувват» интернат уйларида даволаш жисмоний тарбияси бўйича йўриқчилари адаптив (ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилган) спорт турлари бўйича қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларига жалб қилиниши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон миллий паралимпия ва Олимпия қўмиталари таъсисчилигида Ўзбекистон адаптив спорт турлари ассоциацияси (кейинги ўринларда — Ассоциация) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон миллий паралимпия қўмитасининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон миллий паралимпия қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлинмалари негизида ҳар йили Давлат бюджетидан Ассоциация фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар доирасида Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда уларни Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари биноларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш;

Ўзбекистон миллий паралимпия қўмитаси ҳузуридаги Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти негизида Адаптив жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтини ташкил этиш ҳамда мол-мулки ва молиялаштириш манбалари билан бирга Ассоциация тузилмасига ўтказиш.

6. Ўзбекистон адаптив спорт турлари ассоциациясининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

7. Қуйидагилар Ассоциациянинг асосий вазифалари эканлиги инобатга олинсин:

адаптив спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда қўмаклашиш;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

адаптив спорт турлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлар ва давлат органлари ўртасида ҳамкорликни таъминлаш;

адаптив спорт турлари бўйича иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш;

давлат спорт-таълим муассасаларининг моддий-техник базасини шакллантиришда ҳамда спорт инфратузилмаси объектларининг концепциялари ва бошқа лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

адаптив спорт турлари бўйича тренер, йўриқчи-услугбчилар ҳамда бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва касбий ривожлантиришнинг замонавий ва самарали тизимини жорий этиш;

давлат спорт, таълим, ихтисослаштирилган муассасаларида босқич-ма-босқич адаптив спорт турлари бўйича тўғарақлар ташкил этишда иштирок этиш;

адаптив спорт турлари бўйича мусобақалар ва тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш;

адаптив спорт турлари бўйича терма жамоалар спортчиларини спорт инвентарлари, спорт кийимлари, тиббий ва фармакология, махсус спорт протез воситалари билан таъминлаш ҳамда тиббий кўриқдан ўтказиш;

адаптив спорт турлари бўйича юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш юзасидан ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш;

Ассоциация ва унинг ҳудудий бўлинмаларини, Ассоциацияга аъзо адаптив спорт турлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотларни сақлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

адаптив спорт турларини ривожлантириш бўйича клублар ва мусобақаларни ташкил этиш ҳамда Ассоциацияга аъзо адаптив спорт турлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

8. Қуйидагилар Ассоциация фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

давлат ижтимоий буюртмаси доирасида Агентлик ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан шартнома асосида Ассоциацияга тўғридан-тўғри ажратиладиган маблағлар;

Спорт вазирлиги маблағлари, шунингдек Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган тадбирлар учун кўзда тутилган маблағлар;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва бошқа халқаро ташкилотлар грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Белгилаб қўйилсинки, 2025 йил 1 февралдан бошлаб:

а) Адаптив жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида паралимпия, карлар, кўзи ожизлар ҳамда махсус олимпия ва ногиронлиги бўлган шахслар шуғулланадиган бошқа спорт турлари бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари йўлга қўйилади ва курс якуни бўйича 4 йил муддатга амал қиладиган малака сертификати берилади;

б) Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактабларида (кейинги ўринларда — спорт мактаблари) тегишли молия йили учун ажратилган маблағлар доирасида малака сертификатига эга тренерларга адаптив спорт турлари бўйича қўшимча гуруҳлар ташкил этишга ҳамда ногиронлиги бўлган болалар, ўсмирлар ва ёшларни қабул қилишга рухсат этилади.

Бунда олий таълим муассасаларининг адаптив жисмоний тарбия ва спорт, параспорт таълими йўналишлари битирувчиларидан олий таълим муассасасини тамомлаган вақтдан бошлаб 4 йил давомида адаптив спорт тури бўйича тренер лавозимига ишга кириш ёки спорт гуруҳларини ташкил этиш учун малака сертификати талаб этилмайди;

в) ногиронлиги бўлган шахсларга жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари ҳамда адаптив спорт турлари бўйича гуруҳлар ташкил этилган спорт мактабларини Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобиль иловаси орқали танлаш имконияти яратилади;

г) спорт мактабларида адаптив спорт турлари бўйича гуруҳларни ташкил қилган тренерларнинг лавозим маошини ҳисоблашда базавий тариф ставкаларига нисбатан 50 фоиз миқдорда устама ҳисобланади. Бунда:

тренерларга қўшимча ҳақ ва устамалар миқдори, ушбу оширилишни ҳисобга олмасдан, базавий тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

спорт мактабларида адаптив спорт турлари бўйича гуруҳларнинг ташкил этилганлиги «Инсон» маркази томонидан мониторинг қилинади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт муассасаларида адаптив спорт турлари бўйича гуруҳлардаги давомати ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотларига келиб-кетиши «ERP-sport» ягона электрон бошқарув тизимининг мобиль иловаси ёрдамида шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали мониторинг қилиб борилади.

10. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда илмий фаолиятни ривожлантириш бўйича кузатув кенгаши (А. Икрамов):

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 январга қадар адаптив спорт турлари бўйича таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув дастурлари ҳамда ўқув режалари ишлаб чиқирилиши;

2024 — 2026 йилларда адаптив спорт турлари бўйича ўқув-услубий адабиётлар ишлаб чиқирилиши ва чоп этилишини таъминласин.

11. Спорт вазирлиги:

а) Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий инспекция билан биргаликда уч ой муддатда спорт мактабларини уларнинг ногиронлиги бўлган шахсларга тўсиқсиз муҳит талабларига мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказсин ҳамда хатлов натижаларига кўра тўсиқсиз муҳит талабларига мослаштириш зарур бўлган спорт мактабларини реконструкция қилишнинг 2025-2026 йилларга мўлжалланган дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 январга қадар спорт мактабларидаги гуруҳларнинг ва уларда шуғулланадиган шахсларнинг энг кам сонини белгилайдиган нормативларни қайта кўриб чиқиб, мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин;

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб Агентлик билан биргаликда спорт билан шуғулланиш истаги мавжуд ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва юритиш мақсадида «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя», «Тиббий ижтимоий экспертиза», «ERP-sport» ахборот тизимлари ўртасида «Электрон ҳукумат» ахборот тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали ахборот алмашинувини йўлга қўйсин.

Бунда «ERP-sport» ягона электрон бошқарув тизимида ногиронлиги бўлган шахсларнинг касалликларнинг халқаро таснифи (КХТ-10) бўйича ташхиси, ёши, организмнинг функционал бузилиш даражаси ҳақидаги маълумотлар асосида ногиронлиги бўлган шахсларнинг жисмоний имкониятига мос спорт турлари рўйхати босқичма-босқич автоматик тарзда шакллантирилиши назарда тутилсин;

г) 2025 йил 1 майга қадар:

Агентлик ва Ассоциация билан биргаликда «ERP-sport» ягона электрон бошқарув тизимидаги спорт муассасалари жойлашуви ҳамда спорт гуруҳлари тўғрисидаги маълумотлар глобал интерактив карталар («GoogleMaps», «YandexKarta», «MapsMe», бошқа электрон навигатор ва карталар)га киритилишини ва доимий равишда янгиланиб борилишини таъминласин;

«ERP-sport» ягона электрон бошқарув тизимида адаптив спорт турларини шакллантириш тизимини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

12. Агентлик 2025 йил 1 августга қадар Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва унинг ҳудудий марказлари ҳамда Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида:

даволовчи жисмоний тарбия хоналари (ёпик турдаги) ва майдончалари (очик турдаги) реконструкция қилинишини ҳамда қурилишини;

даволовчи жисмоний тарбия хоналари ва майдончалари замонавий жисмоний тарбия, механотерапия, физиотерапия ва бошқа реабилитация ускуналари билан жиҳозланишини таъминласин.

Бунда Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда унинг ҳудудий марказларида ажратилган маблағлар ва Агентлик тизимидаги ташкилотларнинг мавжуд штатлари доирасида замонавий жисмоний тарбия, механотерапия, физиотерапия ва бошқа реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун битта штат бирлигида даволовчи жисмоний тарбия йўриқчиси лавозими киритилсин.

13. Агентлик, Спорт вазирлиги ва Ассоциациянинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

уч босқичли «Беш ташаббус паралимпиадаси» доирасидаги мусобақалар дастурига карлар, кўзи ожизлар ва махсус олимпия спорт турларини кириштириш;

«Беш ташаббус паралимпиадаси» доирасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорлари орасидан ногиронлиги бўлган иктидорли шахсларни саралаб олиш ҳамда уларни профессионал спортга йўналтириш тизимини йўлга қўйиш;

2025 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда май ойининг биринчи якшанбасида республиканинг барча ҳудудларида «Инсон учун» шиори остида адаптив спорт турлари бўйича фестиваль ўтказиш ва унинг доирасида хайрия марафонларини ташкил этиш.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган спорт тадбирлари ва мусобақаларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Спорт вазирлигига ривожлантириш дастурлари учун ажратилган ҳамда Агентлик маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

14. Спорт вазирлиги Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий инспекция ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорлари ҳамда ҳудудда спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган маҳалла терма жамоалари учун 5 мингта универсал, стритбол ва воркаут спорт майдончаларини 2030 йилга қадар ташкил қилишнинг умумий параметрлари доирасида 2025 йил I чораги якунига қадар янги қуриладиган объектларнинг лойиха ҳужжатларига ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш юзасидан ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

15. Ассоциация Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Олимпия шаҳарчасига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 майдаги «Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5114-сон қарорида «Чорвоқ» эркин туристик зонасида камида 50 гектарга тенг бўлган ер участкаси жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар паралимпия спорт турлари билан шуғулланиши учун спорт объектлари ва иншоотларини барпо этиш учун ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Туризм қўмитаси ва Агентлик билан биргаликда икки ой муддатда «Чорвоқ» эркин туристик зонаси ҳудудидаги 50 гектар ер участкаси Бўстонлик тумани ҳокимлиги захирасига қайтарилишини ҳамда Агентликка доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилишини таъминласин.

Агентлик 2025 йил 1 декабрга қадар адаптив спорт турлари билан профессионал шуғулланувчи ногиронлиги бўлган шахслар учун машғулот базаси барпо этилишини ва фойдаланишга тайёр ҳолатда Ассоциацияга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин.

Белгилансинки, машғулот базасининг қурилишини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Агентликка ажратилган

маблағлар ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида Агентлик ва Спорт вазирлиги томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобларга мувофиқ мазкур қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутиб борсин.

18. Қўйидагилар:

а) Спорт вазирлиги:

Ассоциация билан биргаликда икки ой муддатда адаптив спорт турлари рўйхатини тасдиқласин ва адаптив спорт турларини Спорт турларининг реестрига киритиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2025 йил 1 мартга қадар спорт мактабларида адаптив спорт турлари бўйича ўқувчи-спортчиларни тайёрлашнинг барча босқичларида спорт-ўқув гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг сонидан келиб чиқиб, ўқув-машқ ишлари режимининг йиллик соатларига мазкур муассасалар учун ўзгартириш киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ассоциация, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларини тасдиқлашда адаптив спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб борилишини назарда тутсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги Агентлик билан биргаликда олти ой муддатда жисмоний реабилитация хизматлари рўйхати тасдиқланишини ҳамда жисмоний реабилитация хизматларининг миллий стандартлари ишлаб чиқилишини таъминласин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ва ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан:

ҳудудий ва туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларидаги адаптив спорт турлари бўйича мусобақалар учун маблағлар ажратиб борилишини;

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган барча адаптив спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақаларида ҳудудий терма жамоалар иштирокини таъминласин.

20. Қўйидагилар:

Адаптив спорт турларини ривожлантириш ва жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ;

Сурдлимпия, Махсус олимпия, IBSA жаҳон ўйинлари, Сурдосиё ва Океания, Махсус олимпия Европа ёзги ўйинлари, шунингдек, Сурдлимпия, Мах-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сус олимпия, IBSA жаҳон ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари ҳамда Ампутантлар футболу бўйича жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндор спортчилари, уларни тайёрлаган тренерларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш миқдорлари 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

21. Паралимпиячиларнинг матонат мактаби фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши Адаптив спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши сифатида қайта номлансин ҳамда қўйидагилар унинг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилишда иштирок этиш;

давлат органларининг ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб қилиш бўйича ўзига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажаришини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларига ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб қилиш бўйича функцияларини бажаришда ташкилий жиҳатдан кўмаклашиш.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров ҳамда спорт вазири А.И. Икрамов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 8 ноябрь,
ПҚ–389-сон

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****390 Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3567*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 ноябрдаги ПҚ–419-сон «Ҳисобот тақдим этиш ва архив ҳужжатларини сақлаш тартиб-таомилларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2024 йил 9 январдаги ПҚ–8-сон «Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Вазир**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 8 октябрь,
181-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
8 октябрдаги 181-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда
уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом бухгалтерия ҳисоби субъектлари (бюджет ва суғурта ташкилотлари, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари бундан мустасно) (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом билан тасдиқланадиган молиявий ҳисобот шакллари ташкилотларнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботини тузишга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Йиллик молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври календарь йилнинг 1 январидан бошланади ва 31 декабрида якунланади. Молиявий ҳисоботни тузишда ҳисобот санаси ҳисобот даврининг охириги календар куни ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикасида барча ташкилотлар молиявий ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси валютаси — сўмда тақдим этишлари керак, агар қонунчилик ҳужжатларида бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса.

Чет эл валютасидаги активлар ва мажбуриятлар қийматини сўмларда қайта ҳисоблаш ушбу чет эл валютасининг сўмга нисбатан Марказий банкнинг курси бўйича амалга оширилади.

4. Молиявий ҳисобот шакллари раҳбар ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс ёки бош бухгалтер томонидан имзоланади.

Агар раҳбар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини ўз зиммасига олган бўлса, у бош бухгалтер ўрнига ҳам имзо қўяди.

2-боб. Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари

5. Ҳисобот йилида тугатилган, қайта ташкил этилган ёки қўшиб юборилган ташкилот йил бошидан тугатиш (қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш) пайтигача бўлган давр учун йиллик молиявий ҳисоботнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот тақдим этади.

6. Ҳисобот йилининг 1 октябрга қадар янги ташкил этилган ташкилотлар молиявий ҳисоботда, улар ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган ойнинг 1-санасидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрга қадар муддатдаги, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин ташкил этилган ташкилотлар эса — давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабригача (31 декабрь ҳам киради) муддатдаги маблағлар ва уларнинг ман-

баларини кўрсатадилар (кўрсатилган тартиб тугатилган (қайта ташкил этилган) ташкилотлар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари базасида ташкил этилган ташкилотларга татбиқ этилмайди).

7. Ташкилотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат органларига йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этадилар. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (бундан буён матнда БҲМС деб юритилади) асосан тузилган йиллик молиявий ҳисобот ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1-мартидан кечиктирмай, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (International Financial Reporting Standards) (бундан буён матнда МҲХС деб юритилади) асосан тузилган йиллик молиявий ҳисобот ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1-майидан кечиктирмай тақдим этилади.

3-боб. Молиявий ҳисоботларнинг таркиби ва мазмуни

8. Молиявий ҳисоботларнинг мазмуни ва таркиби БҲМС ҳамда МҲХСга асосан тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг шаклларида белгиланади.

9. БҲМСга асосан тузилган йиллик молиявий ҳисобот шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ бухгалтерия баланси;

мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;

мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ пул оқимлари тўғрисида ҳисобот;

изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар (молиявий ҳисоботга изоҳлар).

10. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун йиллик молиявий ҳисобот бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўз ичига олади.

11. МҲХСга асосан тузилган йиллик молиявий ҳисобот шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

мазкур Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Низомнинг 7-иловасига* мувофиқ хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Низомнинг 8-иловасига* мувофиқ пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (билвосита усул);

аҳамиятли ҳисоб сиёсати ва бошқа тушунтириш маълумотларидан иборат изоҳлар (молиявий ҳисоботга изоҳлар).

12. Молиявий ҳисоботни МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги 61-сон

* 1 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3400, 2022 йил 9 декабрь) билан тасдиқланган МҲХСлар ва унга тушунтиришлар матнлари асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлайди ва БҲМС бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этмайди.

13. Молиявий ҳисоботлар шаклларида барча реквизитлар, сатрлар ва устунлар тўлдирилиши лозим. Молиявий ҳисоботлар шаклларини тўлдиришда уларнинг тўлиқ тўлдирилиши ва киритилган маълумотларнинг ишончлилиги таъминланиши лозим. Ташкилотда тегишли маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли у ёки бу сатр (устун) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу сатр (устун) чизиб қўйилади.

14. Молиявий ҳисоботни МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган ташкилотлар мазкур Низом билан тақдим қилиниши белгиланган молиявий ҳисоботлардан ташқари эълон қиладиган молиявий ҳисоботлар шаклларини, уларни тақдим этиш тартиби ва усулларини ҳисоб сиёсати билан белгилаши мумкин.

4-боб. Яқуний қоида

15. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
8 октябрдаги 181-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда 47-сон билан тасдиқланган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 942, 2000 йил 3 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 12 июлдаги 85-сон «Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 942-1, 2002 йил 22 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 14-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 17 октябрдаги 118-сон «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209-1, 2003 йил 12 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 21-22-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 9 декабрдаги 129-сон «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209-2, 2004 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 519-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 6 майдаги 45-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг 7-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209-3, 2005 йил 19 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 19-20-сон, 145-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2007 йил 12 апрелдаги 39-сон «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209-4, 2007 йил 19 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 21-сон, 218-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 11 сентябрдаги 68-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209-5, 2012 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 489-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 18 майдаги 44-сон «2-сонли шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209-6, 2015 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 265-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 19 октябрдаги 80-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209-7, 2016 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 44-сон, 517-модда).

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 17 ноябрдаги 155-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209-8, 2017 йил 14 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.12.2017 й., 10/17/1209-8/0413-сон).

12. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 16-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209-9, 2018 йил 1 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.03.2018 й., 10/18/1209-9/0844-сон).

13. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 23 январдаги 10-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209-10, 2019 йил 15 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.02.2019 й., 10/19/1209-10/2613-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

391 Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг, шунингдек махсус унвонга эга бўлган ходимларнинг давлат мажбурий суғуртасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3568*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги 38-сон «Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг, шунингдек махсус унвонга эга бўлган ходимларнинг давлат мажбурий суғуртасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бош прокуратура, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2024 йил 24 сентябрь,
10-сон

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2024 йил 23 сентябрь

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

2024 йил 13 сентябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 8 ноябрда эълон қилинган.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2024 йил 4 сентябрь

Фавқулодда вазиятлар вазири

А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 21 сентябрь

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

А. АЗИЗОВ

2024 йил 13 сентябрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХУДАЯРОВ

2024 йил 20 сентябрь

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

2024 йил 19 сентябрь

Миллий гвардия қўмондони

Р. ДЖУРАЕВ

2024 йил 13 сентябрь

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

А. УСМАНОВ

2024 йил 10 сентябрь

*Электрон технологияларини
ривожлантириш маркази бошлиғи*

О. ХОДЖАКБАРОВ

2024 йил 18 сентябрь

*Ижтимоий ҳимоя миллий
агентлиги директори*

М. ОЛЛОЁРОВ

2024 йил 21 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси
истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2024 йил 24 сентябрдаги
10-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг,
шунингдек махсус унвонга эга бўлган ходимларнинг давлат
мажбурий суғуртасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг, шунингдек махсус унвонга эга бўлган ходимларнинг давлат мажбурий суғуртасини (бундан буён матнда давлат мажбурий суғуртаси деб юритилади) амалга ошириш, шунингдек давлат мажбурий суғуртаси бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваколатли тузилмалар — суғурталанган шахсларга (наф олувчиларга) суғурта тўлови учун ҳужжатлар олиш ва расмийлаштирилган ҳужжатларни ҳисобини юритишга кўмаклашиш вазифалари ўрнатилган тартибда юклатилган суғурта қилдирувчининг бўлимлари, бўлинмалари, ҳудудий (вилоят, туман) бўлинмалари гуруҳлари;

ҳарбий хизматчилар — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлган ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар;

ҳарбий хизматга мажбурлар — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлган Қуролли Кучларнинг резерви ёки захирасидаги шахслар;

махсус унвонга эга бўлган ходимлар — суғурта қилдирувчида хизматда бўлган махсус унвон берилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

наф олувчилар — суғурталанган шахс ҳалок бўлганда (вафот этганда) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ суғурта тўловини олишга ҳақли бўлган суғурталанган шахснинг меъросхўрлари;

суғурта қилдирувчи — суғурта шартномасини тузувчи, суғурталовчи билан суғурта муносабатларига киришувчи, шунингдек суғурта мукофоти тўловчи Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси;

суғурта мукофоти — бир йилга ҳар бир суғурталанган шахс учун тўлов кунда қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоиз миқдорини ташкил этувчи суғурта қилдирувчи томонидан ҳақиқий

суғурталанган шахсларнинг сонидан келиб чиқиб суғурталовчига ҳар йили тўланадиган тўлов;

суғурта суммаси — суғурталовчининг ҳар бир суғурталанган шахс олдидаги мажбуриятларининг максимал ҳажмини ифодаловчи мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган сумма;

суғурталанган шахслар — унинг фойдасига суғурта амалга ошири-лаётган ва суғурта мукофоти тўланган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хиз-матга мажбурлар, шунингдек махсус унвонга эга бўлган ходимлар;

суғурталовчи — давлат мажбурий суғуртасини амалга оширувчи суғур-та ташкилоти бўлган юридик шахс.

2. Суғурталовчи суғурта тўловини қуйидаги ҳолларда амалга оширади:

а) суғурталанган шахс Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 мартдаги ПФ–34-сон «Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчли-ги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қилинган фавқулудда ҳолат (уруш ҳолати) даврида жалб қилинган вақтда, шунингдек, жанговар (ҳарбий) ҳаракатлар олиб борилаётган пайтда яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлганда — наф олувчиларға (мерос ҳуқуқини тасдиқлайдиган гувоҳнома тақдим этил-ганда) тўловни амалға ошириш қунидаги республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорида;

б) суғурталанган шахс хизматни ўташ (ҳарбий йиғинлар) даврида ҳа-лок бўлганда (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳоллар бун-дан мустасно) ёки хизмат (ҳарбий йиғинлар)дан бўшагандан сўнг бир йил мобайнида хизматни ўташ (ҳарбий йиғинлар) даврида олинган жароҳатлар (контузия), касалланиш натижасида вафот этганда — наф олувчиларға (ме-рос ҳуқуқини тасдиқлайдиган гувоҳнома тақдим этилганда) тўловни амалға ошириш қунидаги республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 84 баравари миқдорида;

в) суғурталанган шахс хизматдан бўшагандан кейин бир йил мобайнида унга хизматни ўташ (ҳарбий йиғинлар) билан боғлиқ бўлган ногиронлик белги-ланганда: I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсға ушбу банднинг «б» кичик бандида назарда тутилган тўловнинг — 75 фоизи, II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсға — 50 фоизи, III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсға — 30 фоизи миқдорида;

г) суғурталанган шахс хизматни ўташ (ҳарбий йиғинлар) даврида оғир жароҳатланганда — ушбу банднинг «б» кичик бандида назарда тутилган тўловнинг 20 фоизи ва енгил жароҳатланганда 10 фоизи миқдорида;

д) муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчининг, ҳарбий йиғинларни ўтаёт-ганда ҳарбий хизматға мажбурларнинг, шунингдек, махсус унвонға эға бўл-ган ходимларнинг соғлиғи ҳолатиға кўра келгуси ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўташға яроқсиз деб топилганда — ушбу банднинг «б» кичик бандида назарда тутилган тўловнинг 10 фоизи.

3. Суғурта тўлови суғурталанган шахсларға ёки наф олувчиларға суғур-та шартномаси асосида амалға оширилади.

Суғурта шартномаси бир йил мобайнида амалда бўлади.

4. Суғурта мукофоти ҳар чоракда суғурталовчининг ҳисоб рақамига умумий суғурта мукофотининг тўртдан бир қисми миқдоридида чоракнинг бошланишидаги ўн беш календарь кун ичида амалга оширилади.

5. Суғурта тўлови суғурталовчи томонидан суғурталанган шахснинг ёки наф олувчиларнинг банк ҳисобрақамига (банк картасига) пул маблағларини ўтказиш ёки қонунчиликка мувофиқ бошқа усулда амалга оширилиши мумкин.

Вояга етмаган наф олувчига суғурта тўлови бир вақтнинг ўзида васийлик органларини хабардор қилган ҳолда фақат унинг номидаги банк депозитига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

6. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти ўз вақтида тўланган ҳолатларда, суғурта тўлови суғурталовчи томонидан барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб беш иш кунидида амалга оширилади.

7. Суғурталовчи суғурта ҳодисаси мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилганидан бошқа асосларга кўра содир бўлган тақдирда, суғурта тўловини тўлашни рад этиши мумкин.

Суғурта тўловини амалга ошириш рад этилган тақдирда, зарур ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан бошлаб ўн беш календарь кун ичида суғурталовчи бу ҳақда суғурталанган шахсни (наф олувчиларни) рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

8. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчи, ҳарбий хизматга мажбурлар ёки махсус унвонга эга бўлган ходимлар хизматни ўташ (ҳарбий йиғинлар) даврида соғлиғининг ҳолати туфайли келгуси хизматни (ҳарбий йиғинлар) ўташга яроқсиз деб топилган тақдирда, у яшаш жойига кетаётганда ҳарбий қисм ёки ҳарбий-даволаш муассасаси томонидан унга ваколатли тузилмаларга тақдим этиш учун касаллик ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси берилади.

9. Суғурталанган шахслар хизмат (ҳарбий йиғинлар) ўташи даврида ярадор, контузия бўлиши, жароҳатланиши ва шикастланиши оқибатида касаллиги ёки соғлиғининг чекланган ҳолати бўйича хизматдан (ҳарбий йиғиндан) бўшатиlmаса, хизматга яроқлилиқни аниқлайдиган тегишли ҳарбий тиббий комиссия томонидан ярадор, контузия бўлиш, жароҳат ва шикаст олиш ҳолатлари ҳақидаги далолатнома (маълумотнома) асосида тиббий кўрикдан кейин унга ярадор, контузия бўлганлиги, жароҳат ва шикаст олганлиги ҳақида ушбу Низомнинг 1-илоvasида* белгиланган маълумотнома берилади.

Ҳарбий тиббий комиссия томонидан мазкур маълумотнома рўйхатга олинади ва унинг нусхаси 25 йил мобайнида сақланади.

Суғурталанган шахс томонидан ярадор, контузия бўлганлиги, жароҳат ва шикаст олганлиги ҳақидаги маълумотнома йўқотилган тақдирда, ҳарбий тиббий комиссияга суғурталанган шахснинг мурожаатига асосан юқори ўнг қисмига «Йўқолгани ўрнига дубликат» деб кўрсатган ҳолда маълумотноманинг дубликати тақдим этилади.

10. Олинган ярадорлик, контузия, жароҳат ва шикаст даражасини аниқлаш ҳарбий тиббий комиссия томонидан ушбу Низомнинг 2-илоvasида

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

белгиланган оғир ёки енгил ярадорлик, контузия, жароҳат ва шикастлар рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

11. Суғурта тўлови содир бўлган ходисадан келиб чиқиб, ушбу воқеа учун аввал тўланган маблағларни чегириб қолган ҳолда ҳисобланган, лекин йиғиндиси ҳар бир суғурталанган шахс учун белгиланган суғурта суммасидан ошмаган, ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган миқдорда амалга оширилади.

Барча ҳолатларда суғурта шартномаси амалда бўлган муддатда содир бўлган воқеалар бўйича суғурталанган шахсга тўланган барча суғурта тўловларининг йиғиндиси суғурта суммасидан ошиши мумкин эмас, ушбу Низомнинг 2-банди «а» кичик бандида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

2-боб. Суғурта тўловини амалга ошириш учун ҳужжатларни расмийлаштириш

12. Суғурталанган шахс ёки наф олувчи суғурта тўловини ўз вақтида олишини таъминлаш мақсадида суғурталанган шахснинг хизмат жойидаги (наф олувчининг яшаш жойидаги) ваколатли тузилмалар уларга суғурта тўловини олиш масаласини ҳал этиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашади.

Суғурта тўлови тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш суғурталанган шахснинг хизмат жойидаги (наф олувчининг яшаш жойидаги) суғурталовчининг алоҳида бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

13. Суғурталанган шахс ҳалок бўлган (вафот этган) тақдирда, наф олувчиларнинг нотариал идорадан меърос ҳуқуқи ҳақида гувоҳномани олишлари учун, яшаш жойи бўйича суғурта қилдирувчининг ваколатли тузилмалари наф олувчиларга нотариал идорага тақдим этиш учун ушбу Низомнинг 3-иловасида* белгиланган маълумотномани тақдим этадилар.

14. Суғурта тўловини олиш ҳуқуқини аниқлаш учун суғурталанган шахс ёки меърос ҳуқуқи ҳақида гувоҳномани олган наф олувчилар қўйидаги ҳужжатларни суғурталовчига тақдим этадилар:

а) суғурталанган шахс хизмат (ҳарбий йиғинлар) даврида ҳалок бўлган (вафот этган) тақдирда:

ушбу Низомнинг 4-иловасида* белгиланган ариза;

суғурталанган шахснинг ўлими ҳақида гувоҳнома (маълумотнома) нусхаси;

мерос ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Хизматни ўташ (ҳарбий йиғинлар) даврида олинган яраланиш, контузия, шикаст ёки касаллик оқибатида хизматдан (ҳарбий йиғиндан) бўшатиладигандан кейин бир йил ўтгунга қадар вафот этган суғурталанган шахсга нисбатан ушбу фактни тасдиқловчи хулоса тақдим этилади;

б) суғурталанган шахсга ногиронлик белгиланса:

ушбу Низомнинг 4-иловасида белгиланган ариза;

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ногиронлик тўғрисидаги маълумотноманинг нусхаси;
шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
ҳарбий гувоҳнома нусхаси — ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар учун;

(электрон) меҳнат дафтарчасининг нусхаси — махсус унвонга эга бўлган ходимлар учун;

в) суғурталанган шахслар хизмат ўташ (ҳарбий йиғинлар) даврида оғир ёки енгил ярадор бўлган тақдирда:

ушбу Низомнинг 4-иловасида белгиланган ариза;

ҳарбий тиббий комиссиянинг олинган ярадорлик даражаси ҳақида белгиланган шаклдаги маълумотномаси;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

г) муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчининг, ҳарбий йиғинларни ўтаётганда ҳарбий хизматга мажбурларнинг, шунингдек, махсус унвонга эга бўлган ходимларнинг соғлиғи ҳолатига кўра келгуси ҳарбий хизмат (ҳарбий йиғинлар)ни ўташга яроқсиз деб топилганда:

ушбу Низомнинг 4-иловасида белгиланган ариза;

суғурталанган шахснинг касаллиги ҳақида гувоҳноманинг нусхаси;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

ҳарбий гувоҳнома нусхаси.

Агарда хизмат текшируви ўтказилган бўлса ёки суғурталанган шахс касб касаллигига чалинган бўлса, суғурта қилдирувчининг хизмат текшируви натижалари юзасидан хулосаси нусхаси ёки касб касаллигини аниқлаш ваколлати берилган ташкилот томонидан берилган тегишли хулоса ҳам тақдим этилади.

Суғурталанган шахс (наф олувчилар) ҳужжатларни юқорида келтирилган рўйхатга мувофиқ суғурта ходисасидан келиб чиқиб тақдим этади. Улар тўлиқ бўлмаган ҳажмда (тўпلامда) тақдим этилган тақдирда суғурталовчи этишмаётган ҳужжатларни ёзма равишда талаб қилиб олиши шарт.

15. Суғурталанган шахс ёки наф олувчи суғурта тўловини олишни сўраб мурожаат этганда, суғурталовчи аризани ушбу Низомнинг 5-иловасида* белгиланган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг, шунингдек, махсус унвонга эга бўлган ходимларнинг давлат мажбурий суғуртаси бўйича аризаларни ва суғурта тўловларини амалга оширишни рўйхатга олиш журналида ёки электрон шаклда рўйхатга олиши ва ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўлиқлиги ва тўғрелигини текшириши лозим.

16. Суғурта тўловини амалга ошириш масаласини ҳал этиш учун ваколатли тузилмалар ёки суғурталанган шахс (наф олувчи) суғурталовчининг талабига кўра суғурта ходисалари содир бўлиши ҳолатлари ҳақида керакли ҳужжатларни дарҳол тақдим этишлари шарт.

Хизмат билан боғлиқ касб касалликлари бўйича ногиронлик белгиланганда, суғурта ходисаси содир бўлган кун сифатида биринчи навбатда, касб касаллигини аниқлаш ваколлати берилган ташкилот томонидан тегишли хуло-

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

са берилган кун, мазкур хулосани бериш имконсиз бўлганда, суғурталанган шахснинг касб касаллиги ва хизматга яроқсизлиги туфайли хизматдан бўшаган куни белгиланади.

3-боб. Давлат мажбурий суғуртаси амалга оширилишини назорат қилиш

17. Суғурта тўловларини амалга ошириш ҳуқуқини аниқлаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан ваколатли тузилмаларнинг амалга оширадиган ишларини назорат қилиш суғурта қилдирувчиларнинг тегишли назорат органлари ва тузилмаларига юклатилади.

18. Суғурта қилдирувчиларнинг ҳарбий-тиббий бўлинмалари ҳарбий тиббий комиссиялар томонидан олинган жароҳат ҳақида маълумотлар берилиши ва унинг огирлик даражаси тўғри аниқланиши қонунийлигини назорат қиладилар.

19. Суғурта қилдирувчиларнинг ҳарбий тиббий бўлинмаларида ушбу Низомнинг 6-иловасида* белгиланган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг, шунингдек махсус унвонга эга бўлган ходимларнинг давлат мажбурий суғуртаси бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш учун расмийлаштирилган ҳужжатларни ҳисобга олиш намунавий журнали юритилади.

20. Суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи суғурта шартномасида ҳар чоракда суғурталовчи суғурта қилдирувчига ҳудудлар кесимида амалга оширилган суғурта тўловлари ҳақидаги ушбу Низомнинг 7-иловасида* белгиланган шаклдаги ҳисоботни тақдим этишини келишиб олишлари мумкин.

* 6-7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга
мажбурларнинг, шунингдек махсус унвонга
эга бўлган ходимларнинг давлат мажбурий
суғуртасини амалга ошириш тартиби
тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

**Оғир ёки енгил даражага кирувчи яраланишлар, контузиялар,
жароҳатлар ва шикастланишлар
РЎЙХАТИ**

1. Оғир жароҳатларга яққол анатомик ўзгаришларни ва ифодаланган функционал бузилишларни келтириб чиқарувчи, ҳарбий хизматга яроқликни чекловчи ёки яроқсизликка сабаб бўлувчи яраланишлар, контузиялар, жароҳатлар ва шикастланишлар киради. Уларга қуйидагилар киради:

калла суягини тешиб ўтувчи яраланишлар, шу жумладан бош мия зарарланишисиз;

бош гумбаз ва асос суяқларининг очиқ ва ёпиқ синишлари;

бош мия ўрта ва оғир даражали контузияси, бош мия қисилиши ва қисилмаслиги билан;

эпидурал, субдурал ва субарахноидал интракраниал қон қуйилишлар;

умуртқа поғонаси ва орқа миянинг очиқ ва ёпиқ жароҳатлари;

ҳалқум, ҳиқилдоқ, трахея ва қизилўнгачнинг тешиб ўтувчи яраланишлари;

ҳалқум ва трахея тоғайлари ёпиқ синишлари;

плевра бўшлиғига, перикард бўшлиғига ёки кўкс оралиғи бириктирувчи тўқимасини тешиб ўтувчи кўкрак қафаси яраланишлари, шу жумладан ички аъзолар зарарланишисиз;

қорин бўшлиғига тешиб кирувчи қорин жароҳатлари, шу жумладан ички аъзолар шикастланишисиз; қорин парда орти аъзолари (буйраклар, буйрак усти безлари, ошқозон ости беши ва ҳ.к.) жароҳатлари;

кўкрак ёки қорин бўшлиғи, чанок бўшлиғи, шунингдек, қорин парда орти аъзолари ёпиқ жароҳатлари;

узун найсимон суяқлар синишлари — елка, сон, катта болдир суяги, иккала билак суяқлари;

чанок суяқларининг кўплаб синишлари;

сийдик таносил аъзолари зарарланиши билан кечадиган яраланишлар ва жароҳатлар;

тана юзасининг 40% дан ортиқ сатҳи зарарланиши билан кечадиган I даражали термик куйишлар;

II-III даражали куйишлар — тана юзасининг 10% дан ошиши;

IV даражали куйишлар, шунингдек, шок билан кечадиган кичик майдоннинг куйиши;

овоз боғламлари ёриғи шиши ва торайиши белгилари билан кечадиган нафас йўлларининг куйиши;

маҳаллий таъсирдан ташқари умумий токсик таъсир чақирувчи кимёвий

бирикмалар (концентрланган кислоталар, ўювчи ишқорлар, ракета ёқилғиси компонентлари ва бошқалар) билан заҳарланиш ва куйишлар;

III-IV даражали совуқ уриш;

Кўз пардаларининг йиртилиши ва кўриш йўқолиши билан кечадиган кўз жароҳатлари ва тешиб ўтувчи яраланишлари; II — IV даражали кўз куйишлари; бир ёки икки кўзнинг турғун кўрлиги ёки 2 м ва ундан кам масофадан бармоқ санашгача кўриш ўткирлигининг пасайиши (кўриш ўткирлиги 0.04 ва ундан кам); кескин ифодаланган вестибуляр бузилишлар ва иккала қулоқ турғун карлиги билан кечадиган эшитиш аъзолари яраланишлари ва жароҳатлари;

юзнинг турғун хунуклашиши билан кечадиган юз юмшоқ тўқималари ва юз скелети суяклари яраланишлари ва шикастланишлари;

оёқ-қўллар фаолиятининг доимий бузилишларига олиб келувчи қўл ва оёқ юмшоқ тўқималари ва мушакларининг яраланишлари ва жароҳатлари;

шок ёки массив қон кетиш, клиник ифодаланган ёғли ёки газли эмболия, ўткир буйрак етишмовчилиги белгилари билан кечадиган травматик токсикоз қақирувчи жароҳат ёки яраланишлар;

йирик бўғимлар, йирик нерв толалари, магистрал қон томирлар яраланишлари ва ёпиқ жароҳатлари;

маълум бир аъзо йўқотилиши ёки аъзо функцияси йўқотилиши (тил ёки нутқ йўқотилиши, қўл, оёқ ёки улар фаолияти йўқотилиши, мехнат қобилиятини йўқотиш);

хизмат фаолияти профессионал омиллари таъсири билан боғлиқ жароҳатлар.

2. Енгил жароҳатларга яққол ва турғун бўлмаган анатомик ўзгаришлар ва кам ифодаланган фаолият бузилиши билан кечадиган яраланишлар, контузия ва жароҳатлар киради. Уларга қуйидагилар киради:

бўшлиқларга тешиб кирмаган яраланишлар ва ички аъзолар, бўғимлар, пайлар, йирик нерв толалари ва магистрал қон томирларнинг зарарланишсиз кечадиган жароҳатлар;

бўғимлар боғламлари қисман узилиши;

асоратланмаган бўғим чиқишлари;

III, IV ёки V бармоқлардан бирининг травматик ампутанцияси;

қўл кафтининг IV ёки V бармоқлари контрактураси;

бир оёқ панжасининг барча ёки алоҳида бармоқларининг ампутацияси;

тос ҳалқаси, ички аъзолар, йирик томирлар ва нервларнинг бутунлиги бузилишсиз кечадиган алоҳида чаноқ суякларининг ёпиқ шикастланишлари (ёнбош суяги қаноти ёки қирраси, битта қов ёки битта қуймич суяги синиши);

оёқ панжалари, қўл кафти суяклари, бир ёки иккита қовурға, битта ўмров суяги, билак суяklarидан бири, кичик болдир суяги яхши консолидацияланган алоҳида ёпиқ синишлари;

I-II даражали совуқ уриши;

тана сатҳининг 40% дан ошмаган I даражали куйишлари, 10% дан ошмаган II-III даражали куйишлари;

кўриш фаолиятининг вақтинчалик бузилиши билан кечадиган шох парда, конъюнктива қаватида ёт жисм мавжудлиги ва кўзнинг тешиб ўтмаган жароҳатлари; I-даражали кўз куйиши;

бош мия чайқалиши билан кечадиган бош суяги ёпиқ жароҳатлари, орқа мия ёпиқ жароҳати;

тишларнинг синиши, бурун суяклари ёпиқ синишлари, бурун қаноти қисман узилиши, қулоқ супраси қисман узилиши билан кечадиган юз юмшоқ тўқималари лат ейиши ва яраланишлари; жағ ёпиқ синишлари.

О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASI
HUZURIDAGI IQTISODIY JINOYATLARGA QARSHI
KURASHISH DEPARTAMENTINING
QARORI

392 Lizing xizmatlari ko‘rsatuvchi tashkilotlarda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
4-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2265-4*

O‘zbekiston Respublikasining “Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi va O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamentining 2011-yil 25-avgustdagi 56, 28-son qarori bilan tasdiqlangan Lizing xizmatlari ko‘rsatuvchi tashkilotlarda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga (ro‘yxat raqami 2265, 2011-yil 22-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y. 38-son, 394-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 26-sentabr,
179-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 7-noyabrda e‘lon qilingan.

**Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi
kurashish departamenti boshlig'i**

S. SOXIBNAZAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 13-sentabr,
29-son

O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining
2024-yil 26-sentabrdagi 179-son hamda Bosh
prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga
qarshi kurashish departamentining 2024-yil
13-sentabrdagi 29-son qaroriga
ILOVA

**Lizing xizmatlari ko'rsatuvchi tashkilotlarda jinoiy
faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni
moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni
moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat
qoidalariga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. Muqaddimaning ikkinchi xatboshisidagi "mikrokredit" degan so'z "mikromoliya" degan so'z bilan almashtirilsin.

2. 1-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"uchinchi tomon — O'zbekiston Respublikasida ro'yxatga olingan va pul mablag'lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog'liq operatsiyalarni amalga oshiruvchi O'zbekiston Respublikasining "Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to'g'risida"gi Qonunining 12-moddasida ko'rsatilgan tashkilotlar."

3. 4-bandning ikkinchi xatboshisidagi "Moliya vazirligiga" degan so'zlar "Iqtisodiyot va moliya vazirligiga" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. Quyidagi mazmundagi 4¹-band bilan to'ldirilsin:

"4¹. Mas'ul shaxs bevosita lizing beruvchining ijro etuvchi organi rahbariga hisobdor va tashkilotning boshqa bo'linmalaridan mustaqildir."

5. 6-bandda:

birinchi xatboshidagi "Moliya vazirligiga" degan so'zlar "Iqtisodiyot va moliya vazirligiga" degan so'z bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi "Moliya vazirligini" degan so'zlar "Iqtisodiyot va moliya vazirligini" degan so'z bilan almashtirilsin.

6. 7-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilaridagi "Moliya vazirligi" degan so'zlar "Iqtisodiyot va moliya vazirligi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

7. 12-banddagi "Moliya vazirligi" degan so'zlar "Iqtisodiyot va moliya vazirligi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

8. 12¹-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"Lizing beruvchilarning ichki qoidalari mazkur Qoidalarga va boshqa

qonunchilik hujjatlariga muvofiq bo'lishi hamda aniqlangan tavakkalchiliklar va ularning bahosidan kelib chiqib tuzilishi kerak. Ichki qoidalar, ularga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar lizing beruvchining tegishli yuqori boshqaruv organi tomonidan tasdiqlanadi.”

9. 12²-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“12². Lizing beruvchilar xodimlarini, shu jumladan, mas'ul shaxslarini jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishning, terrorizmni moliyalashtirishning va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishning zamonaviy usullari, uslublari va yo'nalishlari haqidagi axborotga ega bo'lishlarini ta'minlash, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish borasidagi qonunchilik hujjatlari va majburiyatlarning barcha jihatlarini aniq tushuntirib berish maqsadida qayta tayyorgarlikdan o'tkazishlari shart.”

10. Quyidagi mazmundagi 12³-band bilan to'ldirilsin:

“12³. Lizing beruvchilarning nazorati ostida yoki ahamiyatli ta'siri doirasida bitta yoki bir nechta pul mablag'lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog'liq operatsiyalarni amalga oshiruvchi tashkilotlar bo'lgan taqdirda, ichki qoidalar guruhiy yondashuv asosida ishlab chiqilishi va quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va (yoki) ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirish bilan bog'liq tavakkalchiliklarni boshqarish va mijozlarni lozim darajada tekshirish uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarni almashish qoidalari va tartib-taomillari;

komplyens nazoratni, auditni va (yoki) jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va (yoki) ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish funksiyalarini guruh darajasida ta'minlash, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va (yoki) ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish maqsadlari uchun zarur bo'lgan hollarda filiallardan va shu'ba korxonalaridan ularning mijozlari, moliyaviy hujjatlar to'g'risidagi ma'lumotlarning olinishini ta'minlash;

maxfiylik va ma'lumotlardan foydalanishni yetarli darajada himoya qilish.”

11. 15-bandning ikkinchi xatboshisi “pasport” degan so'zdan keyin “, identifikatsiya ID-kartasi” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

12. 19⁵-bandning ikkinchi xatboshisi va 19⁶-banddagi “Moliya vazirligi” degan so'zlar “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

13. Quyidagi mazmundagi 21¹-band bilan to'ldirilsin:

“21¹. Lizing beruvchilar mazkur Qoidalarning 13²-bandi ikkinchi — beshinchi xatboshilarida hamda 18¹-bandida nazarda tutilgan mijozlarni lozim darajada tekshirish bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirgan uchinchi tomonlarning lozim darajada tekshirish natijalariga ishonishlari mumkin.

Mazkur hollarda mijozlarni lozim darajada tekshirish natijalari bo'yicha so'nggi javobgarlik lizing beruvchilarning zimmasida qoladi.

Bunda, lizing beruvchilar:

mijozlarni lozim darajada tekshirish bo'yicha identifikatsiyalash ma'lumotlari va boshqa tegishli hujjatlar nusxalarini so'rov asosida darhol olish imkoniyatiga ega bo'lishiga;

uchinchi tomon jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat qoidalari asosida ishlashiga ishonch hosil qilishlari kerak.

Mazkur bandning yuqorida ko'rsatilgan talablaridan biriga rioya qilinmagan taqdirda, lizing beruvchilar mijozlarni lozim darajada tekshirish bo'yicha chora-tadbirlarni mustaqil ravishda amalga oshirishlari kerak.”.

14. 22-bandda:

beshinchi xatboshidagi “bo'lsa.” degan so'z “bo'lsa;” degan so'z bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi oltinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“pul mablag'lari yoki boshqa mol-mulk Ro'yxatga kiritilgan shaxslarga bevosita yoki bilvosita tegishli yoxud nazorati ostida bo'lgan pul mablag'lari yoki boshqa mol-mulkidan foydalanish natijasida olingan yoxud sotib olingan bo'lsa.”;

oltinchi xatboshi yettinchi xatboshi deb hisoblansin;

yettinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Lizing beruvchilar to'xtatilgan operatsiyani o'tkazishni tiklashni Terrorchilik faoliyatida yoki ommaviy qirg'in qurolini tarqatishda ishtirok etayotgan yoki ishtirok etishda gumon qilinayotgan shaxslar ro'yxatiga kiritilgan shaxslarning operatsiyalarini to'xtatib turish, pul mablag'larini yoki boshqa mol-mulkini ishga solmay to'xtatib qo'yish, ishga solmay to'xtatib qo'yilgan mol-mulkidan foydalanishga ruxsat berish va operatsiyalarini tiklash tartibi to'g'risidagi nizomda (ro'yxat raqami 3327, 2021-yil 19-oktabr) belgilangan tartibda amalga oshiradi.”

15. 25¹-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Moliya vazirligi” degan so'zlar “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

16. 29-bandning birinchi xatboshisidagi “Moliya vazirligi” degan so'zlar “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

17. 29¹-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ichki nazorat tizimining samaradorligini monitoring qilish ichki audit xizmati tomonidan, u mavjud bo'lmaganda esa “Auditorlik faoliyati to'g'risida”gi Qonunning 35-moddasiga muvofiq tashqi audit xizmati tomonidan amalga oshiriladi.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

393 Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома,
эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар
ва манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг намунавий
шакллари тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3569*

Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги
Қонунининг 9-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома, эҳтимолий
манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар ва манфаатлар тўқнашувини
ҳисобга олиш реестрининг намунавий шакллари иловага** мувофиқ
тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Каса-
ба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ 2024 йил 6 декабрдан эътиборан кучга киради.

Директор

А. БУРХАНОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 21 октябрь,
65-сон

Келишилди:

*Давлат хизматини ривожлантириш
агентлиги директорнинг
биринчи ўринбосари*

А. МУСАЕВ

2024 йил 27 сентябрь

*Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири*

Б. ЗАХИДОВ

2024 йил 30 сентябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

*Ўзбекистон Қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши Раиси*

К. РАФИКОВ

2024 йил 27 сентябрь

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 8 октябрдаги 181-сон “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3567.

2. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 24 сентябрдаги 10-сон “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг, шунингдек махсус унвонга эга бўлган ходимларнинг давлат мажбурий суғуртасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 4 ноябрдаги рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3568.

3. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 26-sentabrdagi 179-son hamda Bosh prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2024-yil 13-sentabrdagi 29-son “Lizing xizmatlari ko‘rsatuvchi tashkilotlarda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarori.

2024 yil 4-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2265-4.

4. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2024 йил 21 октябрдаги 65-сон “Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар ва манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг намунавий шаклларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3569.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда 47-сон билан тасдиқланган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 942, 2000 йил 3 июль),

шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 942-1, 2002 йил 22 июль), (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь), (рўйхат рақами 1209-1, 2003 йил 12 ноябрь), (рўйхат рақами 1209-2, 2004 йил 20 декабрь), (рўйхат рақами 1209-3, 2005 йил 19 май), (рўйхат рақами 1209-4, 2007 йил 19 май), (рўйхат рақами 1209-5, 2012 йил 11 октябрь), (рўйхат рақами 1209-6, 2015 йил 21 май), (рўйхат рақами 1209-7, 2016 йил 3 ноябрь), (рўйхат рақами 1209-8, 2017 йил 14 декабрь), (рўйхат рақами 1209-9, 2018 йил 1 март), (рўйхат рақами 1209-10, 2019 йил 15 февраль).

2025 йил 1 январдан эътиборан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.